



O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!

Postda На посты

2023-yil
25-may
payshanba

№ 21 (4611)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan

/ Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

MAQSADLARIM YO'LIDA TO'XTAMAYMAN

– deydi «Ilhom» mukofoti sohibi
Javohir BAFOYEV

Vazirlar Mahkamasining 2020-yil
24-avgustdagagi tegishli qarori asosida
ta'sis etilgan «Ilhom» mukofoti
shoir va yozuvchilar hayoti hamda
ijodini o'rghanish, ularning asarlarini
tarjima qilish, shu asosda tadqiqotlar
o'tkazish, kino va sahna asarlari
yaratish kabi ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-
ijodiy jarayonlarda yuqori natijalarga
erishayotgan yoshlarni kashf etishda
muhim ahamiyatga ega bo'limqda.



Quvonarlisi, an'anaviy tarzda o'tkazib
kelinayotgan tanloving joriy yilgi
g'oliblari orasida IIV Akademiyasi
kursanti, safdar Javohir Bafoyev faxrlı
ikkinchi o'rinni qo'lga kiritib, 30 million
so'm pul mukofotiga sazovor bo'ldi.

Lavhamiz qahramonining qalbida
adabiyotga bo'lgan ishtiyoyq kuchli.
U yozuvchi va shoirlarning ibratli hayoti
hamda boy ijodiy merosini chuqur
o'rghanishga bel bog'lagen. E'tiborlisi,
u faqatgina o'zi o'qib o'rgangani bilan
kifoyalananmay, o'zlashtirganlarini va

adabiyotga oid yangiliklarni tengdoshlariga
ham targ'ib etishda faoliyat ko'rsatib
keladi. Buni uning qator ma'naviy-ma'rifiy
tadbirlar, respublika va xalqaro miyosdagi
konferensiyalardagi ishtirokida yaqqol
ko'rish mumkin.

Ilm olish yo'lida soniyalarni-da qadrli
deb bilgan Javohir 2022-yilda IIV
Akademiyasining «Cho'Ipon» nomidagi
stipendiyasi sohibi bo'lgan. Joriy yilda
esa O'zbekiston Fanlar akademiyasining
tarixchi va adabiyotshunos olimlari
bilan hammulliflikda Abdulhamid

Sulaymon o'g'li Cho'Ipon hayoti va ijodi
haqidagi «Cho'Ipon» nomli ingliz hamda
o'zbek tilidagi risolasi nashrdan chiqdi.
Shuningdek, Cho'Ipon hayoti va ijodiga
bag'ishlangan hujjatli filmni tasvirga oldi.
Faol innovatsion yangiliklardan unumli
foydalananib, o'z g'oyasi asosida «Adiblar
xiyoboni» deb nomlangan ijtimoiy sayt
yaratib, o'zbek va jahon adabiyoti yirik
namoyandalarining hayoti va ijodini keng
targ'ib qilmoqda. Yaqinda esa «Ijod
zavqi» nomli ilk she'riy to'plami nashrdan
chiqdi.



Қорақалпогистон Республикаси

ЭНДИ УЛАР ҲАМ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ!

Мамлакатимизда «Инсон қадри учун» шиори остида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини бугун ҳар бир фуқаро ўз ҳаётида ҳис қилиб яшамоқда. Айниқса, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш бўйича қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, бу соҳадаги ишлар қизгин давом эттирилаётгани янада қувонарлидир.



Суратда: Жўқорғи Кенгес раиси Аманбай Оринбаев фуқароликка қабул қилинган онахонлар билан.

Таъкидлаш лозимки, 2020 йил 13 марта «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг тегишли моддасига ўзгартишлар киритилиб, унга кўра, бундан бўён 15 йил давомида доимий яшаган, лекин фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинадиган бўлди.

Қорақалпогистон Республикасида 2016 йилдан шу кунга қадар доимий яшаётган 1598 нафар фуқаролиги бўлмаган шахс фуқароликка қабул қилинди. Президентимизнинг 2023 йил 18 апрелдаги фармонига асосан эса, Қорақалпогистонда доимий яшаган, узоқ йиллар давомида фуқаролиги бўлмаган 4 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди. Яъни, Шуманай туманида яшовчи фуқаролар Д.Абдимуратов ва П.Жолимбетов, Хўжайли туманида яшовчи Н.Маденова, Кўнғирот туманида яшовчи И.Жуманиязовлар

ана шундай бахтга мушарраф бўлишди. Уларга фуқаролик паспорtlари Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси биносида тантанали равиша Жўқорғи Кенгес раиси Аманбай Оринбаев томонидан топширилди.

Фуқароликка қабул қилинган юртдошларимиз сўзга чиқиб, мамлакатимизда инсон шаъни, қадр-қимматини улуғлаш борасидаги саъй-ҳаракатлардан мамнун эканликларини билдириши.

– Ўзбеклар ва қорақалпоклар қадимдан оға-инидек ҳаёт кечириб, бир-бирининг яхши-ёмон кунида елкадош бўлган, – дейди Хўжайли туманида яшовчи Н. Маденова. – Йиллар давомида бу қувончли кунни кутиб яшаганимиз рост. Зоро, Ўзбекистон фуқароси бўлиш – катта бахт. Мана шу бахт насиб этганидан хурсандчилигимиз чексиз. Бунинг учун Президентимизга миннатдорлик билдирамиз.

Ўз мухбиримиз.



Ҳақиқат әгилади, аммо синмайди

ЁРУҒ КУНЛАРНИ КУТИБ...

Яқинда Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобоҷонов ҳузурида илгари турли сабаблар билан ички ишлар органларидан бўшатилган ходимлар иштирокида қабул бўлиб ўтди. Мурожаатчилар орасида қарийб 22 йил соҳада фаолият юритиб, 12 йил муқаддам тизимдан ноҳақ бўшатилган Тўлқинжон Аҳмадалиев ҳам бор эди. У вазир қўлидан «подполковник» унвонини қабул қилиб оларкан, орзулари осмонини қора булатлар қоплаган онларни эслаб, кўзлари намланди.

...2011 йилнинг 8 февраль санаси Т.Аҳмадалиев хоти-расида бир умр энг мудҳиш кун сифатида сақланиб қолди. Учтепа тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи лавозимидан Юнусобод тумани ИИБ ҲООБ гурӯҳ катта инспектори лавозимига ўтказилган лавҳамиз қаҳрамони шу куни сабабсиз қамоқча олинди. Айловни эшитган Т.Аҳмадалиев ҳайрон қолди. Гўёки 2009 йилда Учтепа тумани ИИБ ХЧК ва ФРБда фаолият олиб борган вақтда бир фуқародан катта миқдорда пора олиб, уни доимий рўйхатга қўйган.

Т. Аҳмадалиев аслида қилмаган ишини тан олмаган бўлса-да, 2011 йилнинг 15 июлида унга суд томонидан озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилган.

Озодликка чиққач, қаҳрамонимиз айби йўқлиги туфайли оқланишини

талаб этиб, бир неча бор тегишли идораларга мурожаат қилади. Аммо ижобий натижа бўлмади. Ёруғ кунлар келишини кутиб яшаган Т.Аҳмадалиев каби кўплаб айбисиз инсонлар Президентимиз томонидан олиб борилаётган одилона сиёсат туфайли оқланди.

Тўлқинжон Аҳмадалиев ҳам ўзининг айбисизлигини исботлаш, адолатни қарор топтириш ҳамда ҳуқуқини тиклаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилди. Суд мажлисида ҳақиқат қарор топиб, оқлов ҳукми эълон қилинди. 2022 йилда фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судида уни ишга қайта тиклаш бўйича қарор чиқарилди.

Умр осмонида қора булатлар тарқаб, ёруғ кунлар ҳам етиб келди. Икки йилдан ортиқ панжара ортида кечган, бир неча йиллик сарсон-саргардонликдан

сўнг яна ўзи севган касбида фаолиятини давом эттириш бахти насиб этганидан нафақат Т. Аҳмадалиев, балки унинг барча яқинлари ва ҳамкаслари ҳам ич-ичидан севинишиди.

– Ўша машъум кунларда ойнадан афтода ҳолимни кўриб хўрлигим келди, – дейди Тўлқинжон Аҳмадалиев. – Бир куни ичимдан бир овоз «Шундай аҳволга тушиб қолдингми», деди. Икки овозда жаранглаган ички куч мени бир неча марта шу кўйга солди. Охири нима бўлса, бўлди, дея деразага яқинлашганимда, пастда ота-онам, турмуш ўртоғим ҳамда фарзандларимга кўзим тушди. Улар ҳар куни энди нима бўлар экан, дея менинг ортимдан келиб, кутиб ўтиради. Тўйқус ўзимга келдим. Мен ҳали курашишим керак, сабр қилиб чидашим лозимлигини ичимдан ҳис этдим.



Ҳа, Т. Аҳмадалиев барчасига бардош берди. У кутган ёруғ кунлар келди. Қувонарлиси, у ҳам хизмат кийимини яна бир бор кийиб, ўғли – ИИБ Академияси битирувчisi, курсант

Нурмуҳаммад Эркинжонов билан биргаликда юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Сарвар СОБИРОВ,
«Postda» мухбiri.

Тошкент шаҳри.


www.postda.uz

t.me/postdarasmiy

www.facebook.com/postdauz

www.instagram.com/postda_uz



Huquqiy targ‘ibot

MUHIM MAVZUDA DAVRA SUHBATI

Ayollarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish markazi Qashqadaryo viloyati hududiy bo‘limi tomonidan viloyat Ma’naviyat va ma’rifat markazida tadbir tashkil etildi. Unda viloyat sudi, prokuraturasi, Ichki ishlar va Adliya boshqarmalari hamda turli mutasaddi davlat va nodavlat tashkilotlari vakillari qatnashdi.

Tadbir ishtirokchilariga O‘zbekiston Respublikasining 2023-yil 11-apreldagi «Xotin-qizlar va bolalar huquqlari, erkinliklari hamda qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish tizimini yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo’shimchalar kiritish to‘g’risida»gi qonuni mazmun-mohiyati haqida batafsil tushuncha berildi.

Yig‘ilishda qonun talablarini aholiga keng targ‘ib qilish, ayollarga, bolalarga nisbatan tazyiq va zo‘ravonlikning salbiy oqibatlari, uning oldini olish yuzasidan taklif va mulohazalar o‘rtoqlashildi, bu boroda mutasaddi tashkilotlarning idoralararo hamkorligini kuchaytirish masalalari muhokama qilindi.

Hidoyat TO‘RAYEVA,
podpolkovnik.
Qashqadaryo viloyati.



«MA’NAVIYAT OYLIGI» DAVOM ETMOQDA

SURXONDARYO VILOYATI

Termiz tumani IIB shaxsiy tarkibi yaqinda Arxeologiya muzeyi hamda Al-Hakim at-Termiziya maqbarasiga borishdi. Dastlab muzeydagagi qadimiy osori-atiqlar bilan tanishgan xodimlar at-Termiziya maqbarasini ham ziyorat qilib, buyuk hadisshunos olimning bosib o’tgan hayot yo‘li va ulkan merosi haqida batafsil ma’lumot ega bo‘lishdi.



QORAQALPOG‘ISTON RESPUBLIKASI



IIV Birinchi mintaqaviy hudud muvofiqlashtirish markazining shaxsiy tarkibi Axborot-kutubxona markaziga borishdi. Osoyishtalik posbonlari markaz faoliyatini shuningdek, kitob olamidagi yangiliklar bilan tanishdi. Shu yerning o‘zida kitobxonlik soati tashkil etildi.

Bundan tashqari, xodimlar tuman Madaniyat bo‘limiga qarashli muzeyda ham bo‘lib, tuman tarixiga oid ko‘plab ma’lumotlarga ega bo‘lishdi.

XORAZM VILOYATI



Viloyat ichki ishlar organlarida xizmat qilayotgan xodimlarning bir guruhi Xorazm musiqali drama teatriga tashrif buyurishdi.

Tadbirda «Mendirman Jaloliddin» spektakli namoyish qilindi. Mard va jasur qahramon Jaloliddin Manguberdi hayoti aks etgan mazkur sahna asari barchanening qalbiga g‘urur va iftixon tuyg‘ularini baxsh etdi.

Shundan so‘ng teatr foyesida tashkil etilgan «Kitoblar yarmarkasi»dan ishtirokchilar o‘zbek va jahon adabiyotining eng sara asarlarini xarid qilishdi.

NAMANGAN VILOYATI



IIV Xalqaro aeroportlarda xavfsizlikni ta’minlash qo‘sishnlari qarashli 7254-sonli harbiy qismning bir guruh harbiy xizmatchilari o‘z xizmat vazifasini namunali o‘tab kelayotgan ofitser, kapitan F. Mirabdullayev tahsil olgan Namangan tumanidagi 12-umumiy o‘rtalim maktabiga tashrif buyurishdi.

Shu kuni harbiy xizmatchilar mazkur maktabda tahsil olayotgan o‘quvchi-yoshlar bilan davra suhbati o‘tkazishib, Ichki ishlar vazirligi harbiy tuzilmalarida harbiy xizmatni o‘tash tartibi va harbiylarga yaratilgan qulay sharoitlar to‘g’risida so‘zlab berishdi.

Shundan so‘ng kapitan F. Mirabdullayevni o‘qitgan birinchi ustozи Dilfuza Turg‘unovaga esdalik sovg‘alari taqdim etildi.

■ Ташкентская область

БЛАГОУСТРОЕННАЯ И БЕЗОПАСНАЯ МАХАЛЛЯ

В целях повышения эффективности взаимосвязанной деятельности председателей махаллинских сходов граждан, инспекторов профилактики органов внутренних дел, помощников хокимов, лидеров молодежи, женщин-активисток на местах проводятся обучающие семинары.

В Ташкентской области очередные семинары состоялись в Уртачирчикском районе и городе Нурафшане. На мероприятиях выступили ответственные сотрудники УПП ГУВД области, представители хокимиятов, секторов по комплексному социально-экономическому развитию, члены республиканской рабочей группы, которые акцентировали внимание участников на сути и содержании совместного постановления Министерства внутренних дел, Министерства занятости и сокращения бедности, Министерства молодежной политики и спорта, касающегося механизмов создания безопасной среды в махаллях на основе принципа «Благоустроенная и безопасная махалля», задачах по его реализации.

Соб. корр.



МЕСЯЧНИК ДУХОВНОСТИ ПРОДОЛЖАЕТСЯ



■ Самаркандская область

В батальоне ППС УВД Самаркандской области состоялась встреча сотрудников с членом Союза писателей Республики Узбекистан, поэтом Ёрмаматом Рустамовым и кандидатом филологических наук, доцентом Толибом Джураевым.

В ходе встречи речь шла об «Уложении Темура» и романе Абдуллы Кадыри «Минувшие дни».

Выступавшие отметили, что «Уложение Темура» – политико-правовой источник, в котором изложены взгляды выдающегося полководца и государственного деятеля, посвятившего жизнь заботе о процветании Родины, а роман Абдуллы Кадыри – яркое произведение

узбекской литературы, посвященное важнейшим вопросам духовно-нравственного мира человека.

В исполнении молодых сотрудников пламенно прозвучали строки из данных произведений, а также стихи о любви к стране, преданности народу.

Шодиёр ДЖУМАНОВ,
подполковник.

■ Сурхандарьинская область

УВД Денауского района совместно с отделом духовности хокимията района организовали для сотрудников посещение древнего комплекса «Кирк Киз», расположенного недалеко от города Термеза.

Экскурсанты осмотрели сложную архитектуру строений, сводов, куполов уникального объекта средневекового зодчества, ознакомились с его историей.

Соб. корр.



■ Хорезмская область

Сотрудники УООП СОБ УВД Хорезмской области посетили исторический комплекс «Улли ховли», возведенный в 17 веке.

«Улли ховли», что в переводе означает «Большой двор», расположен в Ургенчском районе. Изначально он был построен хивинским ханом как военный городок для отважных туркменов, которые в то время жили между Хивой и Ургенчем и принимали участие в защите торговых караванов, проходивших по этой территории, от вражеских набегов. Сейчас же крепость предназначена для всех, кто хочет заглянуть в прошлое и соприкоснуться с культурой двух народов. Здесь проводятся со-

ревнования по борьбе, национальным играм, проходят выступления артистов, фольклорные концерты, мастер-классы по приготовлению узбекских и туркменских блюд. «Улли ховли» – символ дружбы между братскими народами.

Сотрудники с интересом ознакомились с развернутыми на территории комплекса экспозициями старинных предметов, фотографий, мастерских ремесленников.

Сайдулла АБДУЛЛАЕВ,
рядовой.



ФАХРИЙЛАР ВА ЁШ ХОДИМЛАРНИНГ III РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Куни кече Бухоро вилоятида ички ишлар органлари фахрийлари ва ёш ходимларнинг III Республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Икки кун давом этган конференцияда Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан соҳа фахрийлари, ёшлар етакчилари иштирок этишиди.

Учинчи бор ўткази-лаётган тадбирнинг асо-сий мақсади тажрибали фахрийларнинг ҳаёт сабоқларини ёш ходимларга ўргатиш, уларнинг халқчил хизмат олиб боришлари ва иш самарадорлигининг

ги генерал-майор Эркин Норгитов эса фахрийлар томонидан ўтган бир йил давомида олиб борилган ибратли ишлар, жумладан, «Уч авлод учрашувлари», ёшлар ўртасида китобхонлик тарғиботи ва энг

Шунингдек, иштирокчилар «Тўдакўл» реабилитация тиббий марказининг очилиш маросимида қатнашдилар. Барча кулагилкларга эга палаталар, муолажа ва физиотерапия хонаси, ЛФК хонаси, фитобар, ошхона ҳамда спорт майдончалари, жаҳон стандартларига тўлақонли жавоб берувчи ускуналар билан жиҳозланган ва асаб, таянчхаракат, нафас олиш, ошқозон-ичак тизими, эндокрин тизимлари каби касалликларни даволашга ихтисослашган тиббий марказ семинар иштирокчиларида катта таассурот қолдириди.

Бундан ташқари, конференция доирасида турли маънавий-маърифий тадбирлар, Бухородаги тарихий меъморий оби-



ортишига муносиб улуш кўшишдир.

Қатнашчилар Бухоро тажрибасини ўрганиш мақсадида анжуманинг биринчи кунида вилоянинг барча туманларида бўлиб, «хонадонбай» ва «ходимбай» усулида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишишиди. Ёш ходимларнинг яшаш хонадонларига ташриф буюриб, ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан сұхбатлашишиди.

Иккинчи куни илмий-амалий конференциянинг асосий тадбирлари бўлиб ўтди. Анжуманда Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор А.Икрамов Президентимизнинг 2022 йил 8 февралдаги қарорига мувофиқ, 7 та янги имтиёз амалиётга татбиқ этилганини алоҳида таъкидлаб, берилаётган ушбу имтиёзларга жавобан ходимлар ички ишлар органлари ходими деган шарафли номни эъзозлаб, бурчга масъулият билан ёндашиб, ўз хизматини «Ватанга ва халқка садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!» фояси асосида ташкил этиши лозимлигига эътибор қаратди.

Асосийси, «Битта фахрийга ўн ёш ходим» йўналишидаги ишларнинг самараси хусусида гапирди.



Тадбир давомида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшган бир гурӯҳ фаол фахрийлар «Ички ишлар органларининг фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирланди.

далар бўйлаб саёҳатлар ташкиллаштирилди.

**Фарруҳ УСМОНОВ,
капитан.
Мирзоқўул АҲАДОВ,
«Postda» мухбири.**

Бухоро вилояти.



ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфода-



Қарор ва ижро

ОРЗУЛАР ОСТОНАСИДА

ИИВ Маданият саройида

2023–2024 ўқув йили учун ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг фарзандларига олий таълим муассасаларига ўқишига кириш учун тавсияномалар бериш таддири бўлиб ўтди.



Тадбирда сўзга чиқкан Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор А.Икрамов Президентимизнинг 2022 йил 8 февралдаги қарорига мувофиқ, 7 та янги имтиёз амалиётга татбиқ этилганини алоҳида таъкидлаб, берилаётган ушбу имтиёзларга жавобан ходимлар ички ишлар органлари ходими деган шарафли номни эъзозлаб, бурчга масъулият билан ёндашиб, ўз хизматини «Ватанга ва халқка садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!» фояси асосида ташкил этиши лозимлигига эътибор қаратди.

Маълумки, 2019 йилдан бошлиб ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида хизмат фаолиятини ҳалол, сидқидилдан бажараётган ходимларга, шунингдек, терроризм, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган тан жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандларига тақдимнома ва тавсиянома-

лар бериш тизими йўлга кўйилди.

Ўтган 5 йил давомида ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг 7859 нафар фарзандига тавсиянома ва тақдимномалар берилди. Уларнинг аксарияти олий таълим муассасаларида ўқиб, касб әгалари бўлиб, меҳнат қилмоқдалар.

Бу йил ҳам хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришган ходимларнинг 2031 нафар фарзандига ва хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ёки олган тан жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандларига тақдимнома ва тавсиянома-

Ўз мухбиришим.



В образовательных учреждениях МВД

ЗНАНИЕ – СИЛА

В Центре информационных ресурсов Андижанского академического лицея МВД оборудовано несколько тематических уголков – «Новый Узбекистан – новые возможности», «Молодежь – созидатель будущего», «Великие деятели узбекской литературы» и др.

Здесь регулярно проходят заседания кружка «Юный книголюб». Занятия проводят преподаватели узбекского языка и литературы Барчиной Хасанова и Одинахон Истроилова. Стоит отметить, что участник кружка второкурсник Иброхим Позилов занял первое место в смотре-конкурсе «Ёш китобхон», состоявшемся в образовательном учреждении, а также призовое место на республиканском этапе конкурса, проходившем среди учащихся академических лицеев МВД.

Фонд Центра включает свыше 20 тысяч экземпляров литературы – учебные, специальные юридические, художественные, методические книги, электронные пособия, аудиокниги.



В Центре все компьютеры подключены к интернету. Лицеисты активно используют возможности сайтов Национальной библиотеки Узбекиста-

на им. Алишера Навои, Андижанского областного информационно-библиотечного центра им. Бабура, иных образовательных сервисов.

Пользователями Центра являются учащиеся и педагоги лицея, но нередко сюда приходят и родители учащихся в поисках книг для семейного чтения. Сотруд-

ники Нигора Абдуллаева и Рохатой Расулова помогают посетителям в подборе литературы, консультируют.

Центр участвует в духовно-просветительской работе, осуществляющейся среди лицеистов, организации выставок, викторин. В рамках месячника духовности во взаимодействии с педагогами проведены встречи с писателями и поэтами, экскурсии в Государственный музей истории и культуры Андижанской области, организовано посещение театра музыкальной драмы и комедии, где ребята смотрели спектакль «Бай и батрак».

Гулчехра АНОРБАЕВА.




Женщины в погонах

ЕЕ МНЕНИЕ ЦЕННО И ЗНАЧИМО

Поздней ночью зазвонил мобильный телефон. Алёна, увидев на экране имя начальника, подумала: «Алишер Холикулович... Видимо совершено тяжкое преступление». Она не ошиблась. В махалле Оккургонлик города Джизака – разбойное нападение, следователь просит опытного эксперта-криминалиста. Ей необходимо срочно выезжать.

Когда подполковник Алёна Жумаева прибыла на место происшествия, члены оперативно-следственной группы уже сосредоточенно работали. Эксперту, который был на службе менее года, она объяснила, на что следует обратить особое внимание, где преступники могли оставить следы. После того, как все было завершено, к наставнику подошел молодой коллега, его глаза излучали благодарность за поддержку...

В детстве Алёна не думала, что повзрослев, станет сотрудником органов внутренних дел. В определенной степени этому способствовала деятельность ее отца, Шухрата Жумаева. В свое время он был одним из первых, кто привез в Пахтакорский район видеокамеру и начал заниматься видеосъемкой. В те годы материально-техническая база органов внутренних дел была не как сейчас, и при необходимости



правоохранители обращались за помощью к Шухрату ака. Во времена, когда отец был занят, представителям ОВД помогала Алёна, досконально освоившая тонкости видеосъемки. При этом девушка демонстрировала высокую ответственность, пунктуальность. Однажды заместитель начальника РОВД Эсонбай Казаков обратился к ней со словами: «Может попробуешь себя в нашей службе? Уверен, у тебя получится».

После окончания Джизакского государственного педагогического

института Алёна усердно работала над собой, занималась спортом, а в мае 2004 года была принята на должность эксперта ЭКЦ УВД Джизакской области. Под руководством талантливых специалистов Бориса Ильина, Дилмурада Алиева, Баходира Худойбердиева, Келдиёра Алибекова постигала тонкости профессии, повышала квалификацию в Академии, в ГЭКЦ МВД. Героиня очерка приобрела большой опыт проведения дактилоскопических, баллистических, криминалистических исследова-

ний и технической экспертизы документов, заслужила уважение личного состава.

Современные технологии, внедренные в экспертно-криминалистическую деятельность, способствуют повышению эффективности работы. К примеру, раскрытию преступлений, в том числе совершенных ранее, помогает АДИС «Сонда».

– С помощью данной системы было раскрыто убийство женщины в кинотеатре «Ватан» города Джизака в ночь на 25 января 1991 года: отпечаток мизинца левой руки, оставленный преступником на месте происшествия, способствовал его поимке спустя более двух десятилетий, – говорит наша геройня.

– За плечами главного эксперта группы биометрической идентификации ЭКЦ подполковника Алёны Жумаевой 19 лет самоотверженной службы, – подчеркивает начальник ЭКЦ УВД Джизакской области подполковник Алишер Мухторов. – Она опытный наставник, ее мнение всегда ценно и значимо.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
корреспондент «Postda».
Джизакская область.



www.postda.uz



t.me/postdarasmiy



www.facebook.com/postdauz



www.instagram.com/postda_uz

INSON QADRI UCHUN

■ Navoiy viloyati

Albatta, inson qadri biz uchun qandaydir mavhum, balandparvoz tushuncha emas. Inson qadri deganda, biz, avalo, har bir fuqaroning tinch va xavfsiz hayot kechirishini, uning fundamental huquq va erkinliklarini ta'minlashni nazarda tutamiz.

Inson qadri deganda, biz har bir fuqaro uchun munosib turmush sharoiti va zamonaviy infratuzilma tashkil etishni, malakali tibbiy xizmat ko'rsatish, sifatli ta'lif, ijtimoiy himoya tizimi, sog'lim ekologik muhit yaratib berishni tushunamiz.

Shavkat MIRZIYOEV

ZAMON TALABALARIDAN KELIB CHIQIB

Bugun fuqarolarning muammolariga yechim topish, aholining turmush farovonligini oshirish sektor rahbarlari zimmasidagi muhim vazifa hisoblanadi. Qiziltepa tumanida viloyatning 3-sektor rahbari tomonidan o'tkazilgan navbatdagi sayyor qabul chog'ida ham aholining ko'plab muammolari hal etildi.

Jumladan, tumanning «Rabet» mahallasida o'tkazilgan uchrashuvda 20 nafardan ortiq fuqaroning murojaati ko'rib chiqildi. Mazkur mahallada istiqomat qilayotgan Qurbonoy Eshonqulova oilanining moddiy sharoiti og'irligi tufayli nabirasi Maftunaning oliy ta'lif muassasasiga shart-



noma pulini to'lashda qiynalayotgani sababli amaliy yordam so'radi. Uning murojaati Yoshlar ishlari agentligi tuman bo'limi bilan hamkorlikda hal etildi.

Shuningdek, mazkur mahalla ahlining suvgaga bo'lgan ehtiyojini qondirish maqsadida mahallada yashovchi Sharif Yo'Idoshevning Artezian quduq kovlash bo'yicha taklifi fermerlar uyushmasi bilan hamkorlikda hal bo'ldi.

Uchrashuv yakunida viloyatning 3-sektor rahbari mas'ul xodimlarga murojaatlar yuzasidan hamkorlikda ish olib borib, muammolarni ijobiy hal etish, bu borada zimmasiga yuklatilgan vazifalarni hozirgi kun talabidan kelib chiqqan holda, vijdonan bajarish lozimligi yuzasidan ko'rsatmalar berdi.

Mahliyo XOLOVA,
«Postda» muxbiri.

■ Surxondaryo viloyati

UMID QILDIM, YETDIM MURODGA

Zulkumor Hasanova Muzrabet tumanidagi «Mehnatobod» mahallasida yashaydi. Il guruh nogironi bo'lishiga qaramay, o'ziga yarasha g'ayrati bor. Bekor o'tirishni xush ko'rmagani bois tikish-bichishni o'rgandi. Axir, hunar o'rgangan yaxshi-da. Ham vaqtini zoye ketkazmaydi, ham daromad topadi. Biroq buning uchun unga tikuv mashinasi zarur.

Zulkumorning bu orzusi viloyat IIB boshlig'ining muzrabetlik yoshlar bilan o'tkazgan uchrashuvda ro'yobga chiqdi. Unga shu yerning o'zida tikuv mashinasi hadya qilindi.

Bugun yurtimizda aynan yoshlar bandligini ta'minlash

bo'yicha mutlaqo yangicha tizim yo'lga qo'yilmoqda. Unga ko'ra, «Mehnatobod» mahallasida 35 nafar, «Nurli hayot» mahallasida 15 nafar yoshlarning muammosi borligi aniqlandi. 40 nafarining nogironligi borligi, 3 nafari profilaktik hisobda turishi, 4 nafari probat-



siya nazaratida ekani, 1 nafari oilaviy ajrim yoqasiga kelib qolgan ma'lum bo'ldi. Yana hududda muntazam dars qoldiruvchi, shuningdek, uzoq muddatga ketgan yoshlar ham bor.

Sektor rahbari ana shu yoshlar va ularning ota-onalari bilan uchrashib, ochiq muloqot tashkil qildi. Bu jarayonda 40 nafar yoshning salomatligini yaxshilash masalasi o'rta ga tashlandi. Yana 4 nafari probatsiya nazaratidan ozod etilishi, 2 nafari to'lov-kon-

trakt masalasida yordam so'radi. Albatta, ularning muammolarini ijobiy hal etish uchun chora-tadbirlar belgilab olindi.

Yoshlarning muammolariga individual yondashish o'g'il-qizlarimiz uchun katta imkoniyatdir. Ular bu orqali davlatimizning g'amxo'rliги ostida ekanligini, ularning taqdiriga hech kim befarq emasligini his qila oladi va shu tariqa jamiyatda o'z o'rnini topishga intiladi.

Feruza RAHMONQULOVA,
«Postda» muxbiri.





Toshkent viloyati IIBB huzuridagi Tergov bosh-qarmasi Axborot-tahlil bo'linmasi katta tergov-chisi, katta leytenant Umidjon Abdusalomov el-yurt tinchlik-oso-yishtaligi yo'lida fidoyilik bilan xizmat qilayotgan yoshlardan biri.

Ichki ishlar organi xodimi bo'lishni niyat qilgan U. Abdusalomov IIV Akademiyasini tamomlagach, ilk faoliyatini Bekobod tumani IIB huzuridagi Tergov bo'limi surishtiruvchisi lavozimida boshladi. O'z ustida tinimsiz izlanishlari tufayli rahbariyatning nazariga tushdi. Shu bois, uni bo'lim boshlig'i o'rinnbosari lavozimiga munosib ko'rishi.

Katta leytenant Umidjon Abdusalomov soha xodimlari o'rta-sida o'tkazilayotgan turli tanlov va musobaqalarda ham faol ishtirok etib kelayotir. Masalan, 2019-yilda Ichki ishlar vazirligi tergov bo'lin-

DOIMO IZLANISHDA



malari xodimlari o'rta-sida bo'lib o'tgan respublika ko'rrik-tanlovida hamkasblari «Eng yaxshi tergov jamoasi» nominatsiyasida g'olib

chiqishiga munosib hissa qo'shdi.

Umidjon Abdusalomov ozmi-ko'pmi yutuqlarga erishishida ustozlarining xizmatini beqiyos

deb biladi. Hozirda viloyat IIBB huzuridagi Tergov boshqarmasi katta tergovchisi, podpolkovnik Jamshid Usualiyev shogirdining salohiyatiga katta ishonch bilan qaraydi.

– Umidjon sud-huquq sohasini isloh qilish borasida normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish bo'yicha takliflar tayyorlashda ham faollik ko'rsatyapti, – deydi ustoz J.Usualiyev. – Xususan, uning mamlakatimiz Jinoyat kodeksining bir qator moddalarini qo'llashda amaliyotda uchrayotgan muammoli holatlarni bartaraf etish bo'yicha ilgari surgan takliflari muhim ahamiyatga ega.

U.Abdusalomov sport bilan muntazam shug'ullanadi, adabiyot namoyandalarining asarlarini sevib mutolaa qiladi. Bu ham uning yuksak salohiyat sohibi ekanligi namunasidir.

Mixli SAFAROV,
«Postda» muxbiri.

Suratda: katta leytenant U. Abdusalomov ustozni podpolkovnik J. Usualiyev bilan.

Buxoro viloyati ■

HUNARI BISYOR XODIMA

Ko'hna Buxoroning olis Olot tumani IIB HPB VEMB inspektor-psixologi, leytenant Mavjuda Olimova namunali xizmat olib borayotgan yosh xodimlardan biri.

Oilada to'rt farzandning ikkinchisi bo'lgan Mavjuda ota mehrini ko'rmasdan katta bo'lgan. Shuning uchun ham hayotda uchraydigan turli xil qiyinchiliklarni yengib o'tishni, sabr qilishni va kuchli bo'lishni onasidan o'rgangan. Erishgan har bir yutug'ida onasi va yaqinlarining o'rni beqiyos deb biladi.

2016-yili Buxoro davlat universitetining pedagogika va psixologiya yo'nalishini muvaffaqiyatli tugatgan lavhamiz qahramoni o'zi o'qigan Olot tumanidagi 26-sonli umumita'lim maktabida yoshlar yetakchisi lavozimida faoliyatini boshladi.

– O'quvchilik paytlarim maktabimizda ichki ishlar organlari xodimlari yoshlar o'rta-sida jinoyatchilikning oldini olish mavzusida tadbirlar o'tkazishardi. Ularga juda havasim kelardi. Chunki kasb egalarining o'ziga yarashgan xizmat kiyimi, ayniqsa, ular orasidagi yagona ayolning shijoatkorligi meni maftun etgandi, – deydi Mavjuda-xon g'ururlanib.

2021-yili ichki ishlar bo'limiga psixolog o'qituvchilar ishga olinyapti degan xabarni eshitgach, turmush

o'rtog'iga yoshlikda tanlagen kasbi to'g'risida aytadi.

2022-yilda xizmat faoliyatini boshlagan Mavjuda ustozlarining nasihat-u maslahatlariga amal qildi. Sohaning sir-asrorlarini quint bilan o'rganishga kirishdi. Ayniqsa, Xotin-qizlar masalalari bo'yicha katta inspektor, katta leytenant Zilola Hamroqulova va kotibiyat bo'limi boshlig'i, safdor Nafisa Muzrapovalarning bu boradagi xizmatlarini alohida ta'kidlash lozim. Ular erinmasdan nafaqat sohaga oid sir-asrorlarni, balki fuqarolar va ko'pincha yoshlar bilan ish olib borgani bois, bor bilim hamda malakalarini ayamay, uning intilishlarini qo'llab-quvvatladi.

– Xizmat davomida voyaga yetmaganlar va yoshlar o'rta-sida jinoyatchilik, huquqbuzarliklarining oldini olish borasida keng jamoatchilik bilan hamkorlikda xizmat ko'rsatyapmiz, – deya leytenant M. Olimova so'zini davom ettirdi. Faoliyatim doirasida anchagina achinarli holatlarga ham duch kelganman. Ular bilan yaqindan



suhbatlashganimda, qizlarga faqat mehr kerakligini, boshqalarday ota-onasi yonida yayrab-kulib, maktabga borishni xohlashini aytishganida, tanlagen kasbim sovuqqonlikni talab qilsa-da, ko'z yoshimni tiyolmaganman.

Darvoqe, lavhamiz qahramoni qo'li gul tikuvchi hamdir. Bo'sh vaqtlarida tikuvchilik bilan shug'ullanadi. U zamonaviy pardalar va milliy liboslarni buyurtma asosida tikadi. Bugungi kunga qadar o'nlab

shogirdlar yetishtirgan. Bundan tashqari, xonaki gullarni o'stirishni yoqtiradi. U uyidami yo ishxonasidami, turli xildagi gullarni o'stiradi. Qolaversa, onasi tibbiyot sohasida ishlagani uchun, uning bu sohadan ham xabari bor. Yaqinlari kasal bo'lib qolishsa, dori-darmonlarini o'zi qiladi. Qisqasi, lavhamiz qahramonining besh barmog'i ham hunar.

Mirzoqul AHADOV,
«Postda» muxbiri.

■ Республика Каракалпакстан

Общесоциальные меры предупреждения женской преступности охватывают несколько направлений. В их числе решение вопросов трудоустройства женщин, профилактика семейного неблагополучия, образовательное и культурное просвещение и др.

Инспекторы по вопросам женщин ОПП УКД ОВД города Нукуса во взаимодействии с представителями ответственных организаций, общественности осуществляют системную работу в махаллях, совершают подомовые обходы, в ходе которых изучаются проблемы, волнующие

НЕ СОВЕРШИТЬ НЕВЕРНЫЙ ШАГ



соотечественниц, принимают меры по их разрешению.

Однако, несмотря на это, отдельные женщины все же вступают на порочную жизненную тропу.

Так, в городе Нукусе за истекшие три месяца 15 женщин совершили

уголовные деяния, в том числе связанные с кражей и др., 5 – совершили преступления против экономики и деятельности органов власти, 2 – иные преступления.

…Жительница Шуманайского района А. П., 1984 года рождения,

пришла в дом к знакомому ей гражданину П. К., 1967 года рождения, проживающему в городе Нукусе, чтобы сделать ему укол. Из дома она украла 500 долларов США и 5 млн сумов. В отношении А. П. возбуждено уголовное дело по ст. 169 УК Республики Узбекистан.

Каждое противоправное деяние ведет к наказанию, предусмотренному законом. Инспекторами по вопросам женщин проводится целенаправленная разъяснительная деятельность среди женщин, входящих в группу риска, для ограждения их от неверного шага.

**Айжамал НАМЕНОВА,
подполковник.**

■ г. Наманган

КРАСОЧНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ ЦВЕТОВ!

62-й Международный фестиваль цветов в Намангане начался с автопарада. Свыше 200 легковых, грузовых автомобилей и мотоциклов, украшенных цветочными композициями, проехали по маршруту от международного аэропорта Намангана до Парка культуры и отдыха им. Бабура.



Посмотреть на шоу приехали гости со всей республики и тысячи туристов из 52 стран. Праздник продлится до 21 июня. Во время проведения красочного мероприятия сотрудники органов внутренних дел надежно обеспечивают общественный порядок.

Отметим, что история праздника началась 19-20 августа 1961 года – в городе состоялась выставка цветов, в которой приняли участие шесть организаций.





Men Yangi O'zbekistonning ichki ishlar organlari xodimlari – Vatanimizning asl o'g'lonlari sifatida zamonaviy bilimlarni egallagan, ma'naviy va ma'rifiy dunyosi boy, har qanday xavf-xatarga qarshi matonat bilan kurashishga tayyor xalqimizning chin ma'nodagi himoyachilari ekaningizga qat'iy ishonaman.

Shavkat MIRZIYOYEV

ICHKI ISHLAR ORGANLARI – XALQCHIL TUZILMA

(O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 20-yanvardagi PQ-10-son qarori)

Davlatimiz rahbari boshchiligidagi ichki ishlar organlarida xodimlarni xalqqa yaqinlashtirish, xalq dardi va tashvishi bilan yashashga, xizmat qilishga qaratilgan ulkan islohotlar amalga oshirilmoxda. Xususan, 2023-yil 20-yanvardagi «Ichki ishlar organlarini xalqchil professional tuzilmaga aylantirish va aholi bilan yanada yaqin hamkorlikda ishlashga yo'naltirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi Prezident qarori bu borada qo'yilgan muhim qadamlardan biri bo'ldi.


Qaror bilan ichki ishlar organlarini aholining ishonchli himoya-chisi sifatida xalqchil professional tuzilmaga aylantirish, ularning fuqarolar, jamoat tashkilotlari hamda keng jamoatchilik bilan yaqin hamkorlikda, o'zaro ishonch va hamjihatlik ruhida ishlashni ta'minlash, mahallalar, aholi turar joylari va butun yurtimizda qonun ustuvorligi, tinchlik-osoyishtalikni yanada mustahkamlash, bir so'z bilan aytganda, «Inson qadri uchun» tamoyilining hayotda to'liq o'z aksini topish maqsadini ko'zlaydi.

Mazkur hujjatda ushbu maqsadni ro'yobga chiqarish mexanizmlari ham nazarda tutilgan bo'lib, ular ichki ishlar organlar xodimlarida xizmat vazifalariga halol, vijdonan, Vatan va xalq oldidagi burchini chin dildan his etgan holda, yuksak mas'uliyat bilan yondashish, jamiyatda umume'tirof etilgan odob-axloq normalariga so'zsiz amal qilish tuyg'usini shakllantirishga xizmat qiladi. Unga muvofiq, Ichki ishlar organlar xodimlarining kasbiy madaniyat va xizmat intizomi kodeksi tasdiqlanib, uning qoida va talablari hayotga tatbiq etildi.

Kodeksning qabul qilinishi natijasida, birinchidan, tizim xodimlarining kasbiy madaniyati, xizmat intizomini belgilovchi bir qator tarqoq idoraviy hujjatlar yagona tizimga keltirildi. Ikkinchidan, mazkur normativ-huquqiy hujjatlarning davlat rahbari qarori bilan kodeks sifatida tasdiqlanishi undagi qoida va talablarga bir-dek amal qilinishini ta'minlashga hamda ularning yuridik ahamiyati va darajasi oshishiga xizmat qildi. Uchinchidan, ichki ishlar organlar xodimlarining xizmat o'tashdagi mas'uliyati bir pog'onaga o'sishi uchun sharoit yaratdi.

Shu bilan birga, ichki ishlar organlari tizimida xizmat o'tash tartibi bilan bog'liq bir qator ko'rsatma va talablarni o'zida ifoda etib, mazkur qoida va talablarni bilish, ularga qat'iy va so'zsiz amal qilish har bir xodim uchun majburiy hisoblanadi. Muhim jihat, Kodeksda belgi-

langan qoida va talablarga amal qilish xodimning xizmat faoliyati samaradorligi va xizmat intizomini



baholashning asosiy mezoni sanaladi. Ya'ni, undagi qoida va talablarga amal qilmaslik yoki ularni qo'pol ravishda buzish xodimni ichki ishlar organlaridan xizmatdan bo'shatishga-chha bo'lgan intizomi yazo chorasi ni qo'llash uchun asos bo'ladi. Shuningdek, unda ichki ishlar organlarida xizmatga qabul qilish bo'yicha nomzodlarni tanlashning adolatli, xolis va shaffof tizimini yaratish belgilandi.

Qarorning yana bir muhim jihti, ma'naviy-ma'rifiy ishlarni «ta'lim muassasasidan — xizmatning oxiriga qadar» tamoyili asosida tizimli va uzluksiz tashkil etish orqali ularning samaradorligi hamda ta'sirchanligini oshirish, tizimda istiqbolli yosh rahbar kadrlar zaxirasini shakllantirishning yangi tizimini joriy etish nazarda tutilgan.

Inson omilini istisno etish hamda korrupsiya holatlarining barvaqt oldini olish maqsadida ichki ishlar organlarida kadrlar bilan ishslash, xizmatni o'tash qoidalariга ryoja etilishini ta'minlash, shuningdek,

shaxsiy tarkib va ularning oila a'zolarini ijtimoiy himoya qilish tizimini zamon talablariga mos ravishda to'liq raqamlashtirishga alohida ahamiyat qaratilgan.

Ma'lumki, yangilanayotgan mamlakatimizda ma'naviy-ma'rifiy islohotlarga davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida qaraladi. Binobarin, ma'naviy-ma'rifiy muhitni yanada yaxshilash, ming yillar mobaynida uning bag'rida sayqallanib kelayotgan ibratli an'ana va qadriyatlarni targ'ib etish borasida ko'plab chora-tadbirlar amalga oshirilmoxda.

Barcha sohalar singari, ichki ishlar organlar shaxsiy tarkibi o'rtasida ham ma'naviy-ma'rifiy ishlarni sifat jihatdan yangi pog'o-



«Ichki ishlar organlarida ma'naviy-ma'rifiy ishlarni tashkil etish konsepsiysi» muhim dasturilamal bo'lib xizmat qilmoqda. «Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!» deb belgilangan konseptual g'oya ichki ishlar organlar xodimlarining xizmat burchini bajarish borasida qat'iy hayotiy e'tiqodni qaror toptirish, ularning Vatan va xalq taqdiringa, davlatimiz hamda islohotlar talablariga daxldorligini yanada oshirishga xizmat qilmoqda.

Ayniqsa, Ichki ishlar vazirining tegishli farmoyishiga asosan, ichki ishlar organlarida «Ma'naviyat oyligi», «Intizom oyligi», «Vatanparvarlik oyligi»ning muntazam o'tkazilishi yaxshi an'anaga aylanib ulgurdi.

Bugungi kunda jamiyatda kitobning ma'naviy hamda axloqiy oziq, madaniyat va til ravnaqi uchun asosiy manba, avlodlardan avlodlarga o'tib kelayotgan intellektual meros sifatida mavqeyi hamda ahamiyatini saqlash va hatto tiklashga ehtiyoj sezilyapti. Xususan, ichki ishlar organlarida kitob yarmarkalari, «Zukko kitobxon» tanlovlarning o'tkazilishi xodimlar o'rtasida kitobxonlikni rivojlantirish, ularning kitobga bo'lgan qiziqishini rag'batlantirishda muhim omil bo'imodqa.

Ichki ishlar xodimlariga qo'yildigan asosiy talablar qatorida muomala madaniyatiga ryoja etish, murojaat qilgan shaxsn e'tibor bilan tinglash, qo'polik va loqaydlikka nisbatan murosasiz munosabatda bo'lish, holatga xolisona va vijdonan yondashish orqali shaxsiy namuna ko'rsatishlari ham belgilangan.

Bir so'z bilan aytganda, asosiy maqsad – ichki ishlar organlarini xalqchil tuzilmaga aylantirish, tizimda o'z kelajagi ga yangicha qaraydigan, Vatanga va xizmat burchiga sadoqat ruhida tarbiyalanayotgan, el-yurt xizmatiga shay, yuragi yonib, ko'zlaridan o't chaqnab turgan tashabbuskor va fidoyi kadrlarni tayyorlashdir.

nalarga ko'tarish, xodimlarning bilim savyasini yanada yuksaltirish, ma'naviyatli, vatanparvar, o'z kasbiga sadoqatlari va fidoyi xodimlarni shakllantirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Bunda



Хизмат жойи – Қоровул қўшиллари

«ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...»

Мамлакатимизда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, захирага бўшатилган ёшлар эътибордан четда қолмайди. Кўпгина йигитлар шартнома асосида хизмат қилишда давом этади.

Қашқадарё вилоятининг Якка боғ туманида туғилган Жамшид Холмирзаев мактаб йиллариданоқ ички ишлар органларида хизмат қилган тоғаси Абди акага ҳавас қилди.

Мактабни тугатгач, у ҳеч иккиланмай Жамоат хавфсизлиги университетига ҳужжат топшириди ва ўқишига кирди. Таълим муассасасини битиргач, 7535-сонли ҳарбий қисмда фаолиятини бошлади. Ўтган йили ёш офицер Андикон шахридағи 7553-сонли ҳарбий қисмга ўтказилди.

– Ватан ҳимоячиси бўлиш ҳар бир фуқаронинг шарафли вазифасидир, – дейди лейтенант Ж. Холмирзаев. – Юртимизни турли таҳдидлардан сақлаш, уни ҳимоя қилиш ва ўз муқаддас бурчимизни адо этиш ҳар биримизга, Ватан ўғлонларига боғлиқ.

Шаҳбоз Ҳамроев Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида

вояга етган. У Чегара қўшинларида ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, шартнома асосида хизматни давом эттиришга қатъий қарор қилди. Ҳозир оддий аскар Ш.Ҳамроев учинчи тоифали назоратчи-ўқчи. Бу йил у офицер бўлиш учун Жамоат хавфсизлиги университетининг сиртқи бўлимига ўқишига кирмоқчи.

– Армия – тартиб-интизом, қатъий кун тартиби, тегишли мутахассисликни ўзлаштириш имконияти демак. Биз бу жасорат, чиникиш ва чидамлилик мактабидан ўтиб, ҳақиқий йигит бўлиб шакланамиз, – дейди оддий аскар Ш. Ҳамроев.

Ўқтам Ҳамроев эса Қарши шахрида туғилиб ўсган. У ўтказиш-назорат пункти бошлиғи. Келажакда ўқитувчи бўлишни орзу қиласи ва шу мақсадда бу йил Андикон давлат университети тарих факультетининг сиртқи бўлимига ўқишига киришни ният қилган.



– Армия менга энг муҳим жиҳатни – инсонларнинг фарқига боришини ўргатди, – дейди Ў. Ҳамроев. – Ҳақиқий дўстларнинг қадрига етиш, устувор вазифаларни белгилашни хулқ-атворига сингдирдим. Энг муҳими, ҳарбий хизмат руҳни

чиниқтиради, мард ва жасур қилиб тарбиялади.

Борис КЛЕЙМАН.
Андикон вилояти.

Суратда: (чапдан) оддий аскар Шаҳбоз Ҳамроев, лейтенант Жамшид Холмирзаев, оддий аскар Ўқтам Ҳамроев.



Жиноят муҳокамаси

ҲАҚОРАТ ЕТКАЗГАН ЖАРОҲАТ

Фаллаорол тумани «Мулкуш» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ў.Қ. ўзи раҳбарлик қиласидан фермер хўжалиги дала майдонида маҳалладоши С.Э.га оғир тан жароҳати етказади. Кейин жабрланувчини ўзининг машинасида олиб бориб, уйидан 200 метрларча берида турмуш ўртоғига топширади. С.Э. кўп ўтмай ўз уйида вафот этади. Суд-тиббий экспертизаси унинг ўлимига бош мия тўқималарига қон қуилиши, қовурғалар синиши, буйрак ва талоқ ёрилиши сабаб бўлгани ҳақида хулоса берди.

Маҳалла аҳли, ҳокимлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ўзини ўзи бошқариш органлари масъуллари иштирокида ўтган жиноят муҳокамаси давомида қотилликка оид яна айрим тафсилотлар айтилди. Маълум бўлишича, ҳодиса юз беришидан бир неча кун олдин томонлар дўконда спиртли ичимлик таъсирида тортишиб қолиши-

ган. Бу жараёнда анчагина ҳақоратли гаплар айтилади. С.Э. аччиқ сўзларни унута олмайди ва орани очик қилиш учун Ў.Қ.нинг фермер хўжалиги даласига боради...

Маҳалла фаоллари ва бошқалар сўзга чиқиб, жиноятнинг сабаб ва омилларига тўхтадилар. Маҳаллада жиноят ва ҳуқукбузарликларнинг олдини олиш,



ноқонуний ичимлик саводосига барҳам бериш, худудда «бешлик»нинг фаолиятини жонлантириш, ўзаро низолашаётганлар, оиласи жанжалкашлар, ички ишлар органларида ҳисобда турғанлар билан амалга оширилаётган профилактик тадбирларни кучайтириш сингари масалаларга эътибор қаратилди. Шу билан бирга, йиғилганлар меҳр-оқибатни унутмасликка, маҳаллада жамоатчилик назоратини кучайтиришга чақирилди. Қисқаси, ичкилик, жаҳлни жиловлай билмаслик, кечира олмаслик ортидан бир инсон ҳаётдан кўз юмди.

Энди қурбоннинг ҳам, гумон қилинувчининг ҳам яқинларига осон бўлмайди. Уларнинг биридан отасиз ўсишга маҳкум З нафар фарзанд қолди. Бошқаси яқин йилларда 4 боласининг дийдорига тўя олмайди. Афуски, энди бу ҳолатни ўзгартириб бўлмайди, фақат хатолардан хулоса чиқармок, шу каби фожиалар рўй бермаслиги учун тегишли чораларни кўриш мумкин, холос.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбари.
Жиззах вилояти.





ОРГАНЫ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ – НАРОДНАЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ СТРУКТУРА

(Постановление Президента Республики Узбекистан от 20 января 2023 года №ПП-10)

В Узбекистане осуществляются целенаправленные меры по обеспечению открытости и прозрачности деятельности органов внутренних дел, преобразованию их в по-настоящему народную профессиональную структуру, тесно взаимодействующую с гражданами, общественными организациями и широкой общественностью во имя дальнейшего укрепления верховенства закона, мира и спокойствия.

20 января 2023 года издано постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по преобразованию органов внутренних дел в народную профессиональную структуру и ориентированию их работы на более тесное взаимодействие с населением».

Документом утвержден Кодекс профессиональной культуры и служебной дисциплины сотрудников органов внутренних дел, определяющий морально-этические требования, предъявляемые к стражам порядка. Правила и требования, закрепленные в Кодексе, направлены на формирование у сотрудников честного, добросовестного отношения к своим обязанностям, высокой ответственности за обеспечение стабильности в стране, защиту прав и свобод граждан, искреннего осознания профессионального долга. Соблюдение данных правил – один из основных критериев оценки эффективности служебной деятельности сотрудника.

В Кодексе прописаны правила, в соответствии с которыми сотрудник должен быть вежливым, уравновешенным при общении с гражданами, не допускать случаев дискриминации; избегать конфликтных ситуаций, способных негативно повлиять на репутацию ОВД; не допускать и строго пресекать проявления групповицы, местничества, кумовства. Кодекс включает важные положения, направленные на предотвращение коррупции, конфликта интересов.

В ОВД согласно «Дорожной карте» осуществляются комплексные меры по повышению уровня кадрового потенциала. Особое значение приобретает установление качественно нового порядка приема на службу на основе электронной информационной системы «Е-помзод» для подбора кандидатов с высокими морально-этическими качествами.

Важнейшей составляющей проводимых в системе реформ является переход к партнерской модели отношений «человек – общество – государство». В целях создания системы общественного контроля за деятельностью органов внутренних дел в МВД и его территориальных подразделениях создаются общественные советы.

Среди личностных качеств современного сотрудника органов правопорядка особое место занимает духовность.

Духовность – это социально одобряемое качество, способность личности к самоконтролю, оценке собственных действий на основе понимания ответственности



перед другими людьми за совершаемые поступки, стремление к внутреннему самосовершенствованию.

Сотрудник ОВД не сможет иметь высокую степень духовности, если он поверхностно понимает смысл своей профессии. Духовность как целостное и глубокое явление обладает уникальным свойством предопределять добровольное и сознательное осуществление конструктивной стратегии поведения, честно и добросовестно выполнять служебный долг.

В рамках реализации Концепции организации духовно-просветительской работы, утвержденной постановлением главы государства от 2 апреля 2021 года, в органах внутренних дел проводится эффективная работа по повышению



духовного и интеллектуального потенциала сотрудников. Она организуется на основе концептуальной идеи «Преданно служить Родине и народу – наш высший долг!» и согласуется со словами Президента страны: «Если экономика – организм, обеспечивающий жизнедеятельность общества, то духовность – его сердце и душа». Каждый сотрудник должен глубоко осознавать, насколько важны эти слова в жизни общества, где прославляется человеческое достоинство.

С соответствии Концепцией в подразделениях создано свыше

низовано около 7 тысяч посещений сотрудниками и членами их семей театров, музеев, объектов культурного наследия.

Значимый аспект работы – повышение культуры чтения. На сегодняшний день проведено порядка тысячи книжных ярмарок, свыше 1,1 тыс смотров-конкурсов среди сотрудников, курсантов и учащихся образовательных учреждений системы МВД.

Кроме того, утвержден список произведений, рекомендованных к прочтению, включающий 23 произведения отечественной литературы и 16 произведений зарубежных классиков. Создано 218 новых книг, освещающих историю становления и сегодняшний день органов внутренних дел.

Сотрудники ОВД – активные читатели библиотек. Сегодня в системе функционирует 149 библиотек, 165 книжных уголков, а их книжный фонд достиг 1 миллиона экземпляров.

Большое внимание уделяется участию старшего поколения правоохранителей в воспитательной работе. За последние два года было организовано более 3 тысяч встреч «трех поколений».

Следует отметить, что осуществляя в данном направлении работа получает высокую оценку. Так, в 2021 году МВД заняло второе место, а в 2022 году признано образцовым министерством среди министерств и ведомств в номинации организации духовно-просветительской работы.

Повышение действенности духовно-просветительской работы обеспечивается ее системной и непрерывной организацией в соответствии с принципом «от образовательного учреждения – до окончания службы». Она направлена на усиление у сотрудников чувства патриотизма, расширение мировоззрения, повышение уровня культуры общения, что позитивно отражается на практике работы с населением.

Соб. корр.



ТАШАББУС ВА ТАЖРИБА ЎЗ СЎЗИНИ АЙТМОҚДА

**Подполковник Камолиддин Олимхўжаев
Олмазор тумани ИИОФМБ 1-сонли ИИБ ҲПБ
профилактика катта инспектори лавозимида
фаолият юритади.**



У ички ишлар органларидаги хизматини Тошкент шаҳар ИИББ ҲЧК ва ФРБда бошлади. Орада еттийил Олмазор туманидаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги милиция таянч пункти профилактика инспектори лавозимида фаолият

юритди. Кейинчалик туман ИИОФМБ ҲПБ профилактика инспекторлари ва уларнинг ёрдамчилари фаолиятини услубий таъминлаш ва мувафиқлаштириш, жамоат ўюшмалари билан ҳамкорликни ташкил этиш гурӯҳи катта инспекторлигига ўтказилди.



Аёл ва жамият

ИЖТИМОЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

Аёл баҳти бўлса, жамият фаровон бўлади. Ушбу тамойил асосида ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиядаги қадр-қимматини ошириш, ижтимоий қўллаб-кувватлаш мақсадида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ички ишлар органлари тизимида хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспекторлар фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳам айни шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятли, албатта.



Мен Марғилон шаҳар ИИБда хизмат фаолиятимни бошлаб, дастлаб инспектор-психолог лавозимида ишлаган бўлсан, 2022 йил октябрь ойидан хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектор вазифасида фаолиятимни давом эттирияпман.

Жорий йилнинг ўтган даврида шаҳар ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими масъуллари билан биргалиқда 118 та оиласидаги низоли ҳолатларни ўз вақтида аниқлаб, зарур таъсир чораларини кўрдик ва ажримларнинг олдини олишга эришдик.

Ўрганишлар жараёнида

27 нафар аёлнинг тазиқ ва зўравонликка учраш ҳолатлари аниқланиб, уларга ҳимоя ордерлари берилди. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган 3 нафар аёлнинг хонадонига бориб, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатдик. Уларнинг барчаси иш билан таъминланди.

Марғилон қадимдан миллий ҳунармандчилик ривож топган шаҳар. Қўл меҳнати билан дурдона маҳсулотлар тайёрлаётган, ҳунар орқали ризқ-барака топаётган, тадбиркорликда эркаклар билан елкама-елка меҳнат қилаётган хотин-қизлар кўп. Уларнинг сафини кен-

2021 йилнинг февраль ойлари эди. Олмазор тумани прокуратураси ташабbusiga кўра, ИИОФМБ билан ҳамкорликда барча умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларга таълим-тарбия бериш сифатини янада яхшилаш ва жойларда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларининг фаолиятини тўғри йўлга қўйиш юзасидан услубий қўлланма яратиш бўйича ишчи гурӯҳ тузилади. Ишчи гурӯҳга профилактика катта инспектори, подполковник К.Олимхўжаев ҳам жалб этилади. Ҳозирда ушбу қўлланма таълим-тарбия йўналишида фаолият юритаётган ходимларнинг иш самарадорлиги ошишида жуда кўл келмоқда.

1-сонли ИИБ худудидаги «Ниҳол» маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 180-сонли МТП профилактика катта инспектори К.Олимхўжаев маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Дилшод Раҳматов, ҳамкаслари профилактика катта инспектори, подполковник Бахтиёр Ирисбайев ва профилактика инспектори, катта лейтенант Жавлонбек Сапаров ҳамда хотин-қизлар фаоли Муқаддам Тўлагановалар билан ҳамкорликда 5000 нафардан ортиқ маҳалла аҳли тинч-тотув ҳаёт кечиришида фидойиларча меҳнат қилиб келмоқда.

Унинг ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари эса 2022 йилда унга ўйжой олиш бўйича берилган имтиёздан жудаям мамнун. Ахир инсон ўз уйига эга бўлиши катта баҳт. Айниқса, бундай вазиятда кимdir сени қўллаб-кувватласа, ич-ичингдан қувониб кетасан ва чин дилдан миннатдорлик ҳиссини туясан, киши.

– 2018 йилда муддатидан олдин «подполковник» унвонига эришгани ҳам фарзандимга берилган рағбат деб

биламан. Биз ҳам, онаси – Фаридахон иккимиз, ўғли-мизнинг юртимиз тинчлиги ва осойиштаги учун олиб бораётган ишларига омадтилаб, дуо қилиб ўтирамиз, – дейди Камолиддиннинг отаси Ҳилолиддин ака.

Камолиддиннинг турмуш ўртоғи Нозимахон ҳам унга доим елқадош. Икковлон биргаликда фарзандлари – Мухиддин, Асомиддин ва Аслиддинларнинг тарбияси билан жиддий шуғулланиб, ҳақиқий ватанпарвар ўғлонларни вояга етказишмоқда.

Уларнинг отасидек юрт корига ярайдиган, етук кадрлар бўлиб етишиши, шубҳасиз. Чунки уларнинг насиҳатгўй бобоси ва бувиси ҳамда оқила онаси ва ички ишлар органларида муносиб хизмат қилиб келаётган отаси бор.

**Сарвар СОБИРОВ,
«Postda» мухбири.
Тошкент шаҳри.**

аёллардан бири амалий ёрдамимиз туфайли ҳалол меҳнат қилишни бошлади. Маҳалла фоаллари билан бирга аёлга субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Қизига фуқаролик паспорти, ўлига ҳайдовчилик гувоҳномаси олишда ҳам кўмаклашдик. Ҳозир аёл фарзандларини ёнига олиб тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи. Бу ниятини амалга ошириш учун кредит олишда амалий ёрдам бериляпти.

Аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида «Сиз ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни биласизми?», «Гиёҳвандлик – аср вабоси», «Аёл жиноят – жамият фалокати»

каби мавзуларда 162 марта тарғибот тадбирларини ўтказдик. Қизларни оиласида тайёрлаш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида 10 маротаба спорт ўйинлари ва қўрик-тандловлар ҳам ташкил қилинди.

Ҳамкорликдаги фаолиятимиз самара бериб, жорий йилнинг ўтган даврида аёллар жиноятчилиги, уларнинг тазиқиқ ва зўравонликка учраш ҳолатлари, оиласида даражада камайди. Зоро, мақсадимиз эзгу: жамиятимиздаги бирор аёл бесабаб кўз ёши тўкмасин.

**Гулбаҳор УМАРОВА,
лейтенант.
Фарғона вилояти.**





Ҳаракат хавфсизлиги учун

ПИЁДА, УМРИНГ БЎЛСИН ЗИЁДА!



Хоразм вилояти ИИБ ЙХХБ ходимлари йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича бир қатор профилактик тадбирларни амалга оширишмоқда. Ўтказилаётган тадбирлар давомида пиёдалар билан боғлиқ нохуш ҳолатлар ҳам атрофлича ўрганиб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ҳудудида 69 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Пиёдалар иштироқида рўй берган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ЙПХ инспекторлари томонидан 4335 нафар қоидабузар пиёдага нисбатан маъмурӣ чоралар кўрилган.

Бошқарма раҳбарияти томонидан пиёдалар билан боғлиқ бўлган йўл-транспорт ҳодиса-

ларининг барвақт олдини олиш мақсадида йўл инфратузилмасини ривожлантириш, янги йўл белгиларини ўрнатиш, яроқсиз ҳолга келгандарини алмаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, автомобиль йўллари, автошоҳбекатлар ва аҳоли гавжум бошқа жойларга ҳаракат хавфсизлигини тарғиб қилувчи паннолар, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомо-

биль йўлларининг машиналар юқори тезликда ҳаракатланадиган ҳудудларига огоҳлантирувчи маёқчалар, йўлларнинг қатнов қисми яқинида жойлашган ўкув муассасалари олдига «Ўқувчи пиёда» макетлари ўрнатилган.

– Пиёдалар билан кузатилиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида янги намунадаги қабариқ пиёдалар йўлакчasi ташкил этилди, – дейди вилоят ИИБ ЙХХБ катта инспектори, майор Мансур Бердиев. – Бу пиёдалар йўлакчasi ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, аввало, ранг-баранглиги билан ҳайдовчи ва пиёдалар эътиборини ўзига тортади. Қолаверса, уни кесиб ўтаётган транспорт воси-

таси ҳайдовчиси тезликни меъёр даражада пасайтиришга мажбур бўлади. Энг муҳими, қабариқ пиёдалар йўлакчasi тунги пайтда нур қайтариш хусусиятига эга.

Ҳар бир йўл-транспорт ҳодисалари ЙХХБ масъул ходимлари, маҳалла аҳли ҳамда тегишли ташкилотлар вакиллари иштироқида муҳокама қилиб борилмоқда. Бунда йўл-транспорт ҳодисасининг келиб чиқиш сабаблари атрофлича таҳлил этилиб, мутахассисларнинг, тадбир иштироқчиларининг фикр-мулоҳазалари тингланмоқда ва тегишли хуносалар чиқариляпти.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.

Хоразм вилояти.



Йўл бошида

КЕЛАЖАК ЁШЛАРГА ЭЪТИБОРДАН БОШЛАНАДИ

Сарҳадлари қўшни давлатлар билан тулашиб кетган Деҳқонобод туманида 103 та умумтаълим мактаби, 2 та касб-ҳунар мактаби ва Тиббиёт коллежи мавжуд. Бу таълим муассасаларида 32 мингга яқин ўғил-қизлар таҳсил олади.

Жорий йилнинг дастлабки 4 ойи давомида туман ИИБ ҲПБ вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлари томонидан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноят ва ҳуқукбузарликларнинг олдини олиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Маҳалла фаоллари, ўкув муассасалари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, ёшлар ташкилотлари ва бошқа мутасадди идоралар вакиллари билан ҳамкорликда фаолият олиб борилаётгани хизматда самарадорлик омили бўлмоқда.

– Афсуски, вояга етмаганлар билан профилактик ишлар олиб борилаётганига қарамасдан, назоратсиз қолган ёки ота-онанинг фарзанд тарбиясига салбий таъсир натижасида хатти-ҳаракатлари, хулқида салбий ўзгаришлар кузатилган 26 нафар ўсмир профилактик ҳисобга олниди, – дейди туман ИИБ ҲПБ вояга етмаганлар масалалари бўйича кат-

та инспектор-психологи, подполковник Олимжон Хушвақтов. – Фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатгани учун 71 нафар

ота-онага нисбатан маъмурӣ жазо чораси қўлланилди.

Ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида «Ёшлар – келажак бунёдкори» шиори остида 16 марта «Ҳоким ва ёшлар» мавзусида учрашувлар ўтказилди. 500 нафарга яқин ёшлар қамраб олинган мазкур учрашувларда 110 та таклиф ва муаммоли масалалар билдирилиб, шундан 94 таси ҳал этилди, 16 таси бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳуқуҷиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни қонунларга хурмат руҳида тарбиялаш, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Тафаккур синовлари», «Сиз қонунни биласизми?», «Ёшлар ва қонун» танловлари ташкил этилди.


Жойларда ёшлар, айниқса, вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни мунтазам равишида таҳлил қилиб бориши, уларнинг асл сабабларини ўрганиш мақсадида Ёшлар агентлиги туман кенгashi ҳамда ИИБ ўртасида икки тарафлама ахборот алмашинуви йўлга қўйилди.

Содик РАҲИМОВ,
«Postda» мухбири.
Қашқадарё вилояти.



Суратда: подполковник
Олимжон Хушвақтов.

Постановление и его реализация



ПРЕВЫШЕ ВСЕГО – ПРАВА ЧЕЛОВЕКА

Постановлением Президента страны от 7 февраля 2023 года утверждена Национальная программа образования в области прав человека в Республике Узбекистан. Документом предусмотрены комплекс мероприятий, в том числе организация на постоянной основе учебных курсов по борьбе с применением пыток для сотрудников органов, осуществляющих доследственную проверку, дознание, предварительное следствие и учреждений по исполнению наказания.

– Согласно данному положению постановления проведены межведомственные учебные курсы на тему «Борьба с применением пыток: международная практика и национальный опыт» для сотрудников органов внутренних дел и прокуратуры в Ферганской, Бухарской, Ташкентской областях, – говорит доктор юридических наук, профессор, полковник Алимжан Матчанов. – Очередной учебный курс был организован 17–18 мая для 60 сотрудников органов внутренних дел и прокуратуры в Сурхандарьинской области

на базе Термезского государственного университета.

В формате видеоконференцсвязи мероприятие открыли директор Национального центра Республики Узбекистан по правам человека Акмал Сайдов и заместитель министра внутренних дел Узбекистана – начальник Следственного департамента полковник Яхёжон Абдулхаков. Спикерами были специалисты Национального центра Республики Узбекистан по правам человека, Академии и Института повышения квалификации МВД, Правоохранительной академии, Института государства и права АН.

Курсы послужат дальнейшему повышению уровня осведомленности сотрудников о международных стандартах, передовых практиках организации борьбы с применением пыток.

На ближайшее время запланировано проведение аналогичных учебных курсов в Джизакской и Самаркандской областях, в городе Ташкенте.

Радик ТУМПАРОВ,
корреспондент
«На посту».



Кинологическая служба

Сотрудники Асакинского РОВД задержали местного жителя Б. К. по подозрению в хранении и сбыте наркотиков. В доме, где проживал задержанный, был произведен обыск. В мероприятии принимал участие инспектор-кинолог второй кинологической группы рядовой Элдорбек Каримов со служебной собакой по кличке Кони. Пес, натренированный на поиске наркотических средств, в течение нескольких минут обнаружил пластиковый пакет, спрятанный под тандыром. По заключению экспертов, в пакете был готовый к употреблению гашиш весом 31,48 грамма.

Жительница махалли Саноат Андижанского района обратилась с заявлением в органы внутренних дел о пропаже из дома ювелирных изделий на сумму более 3 миллионов сумов. На место происшествия

с начала текущего года сотрудники кинологического отделения с верными помощниками более 150 раз выезжали на места происшествий. С их участием «по горячим следам» раскрыто около 50 преступлений, в том числе кражи, разбойные нападения, связанные с незаконным оборотом наркотиков.

выехала оперативно-следственная группа, в составе которой был инспектор-кинолог кинологического отделения УООП рядовой Машъалбек Шахобиддинов



с овчаркой по кличке Вика. Собака сразу взяла след и привела правоохранителей к соседнему дому. Подозрение в совершении преступления пало на не-

совершеннолетнюю О. Т., которая призналась, что, воспользовавшись отсутствием хозяев, проникла в чужой дом и украла ювелирные украшения.

■ Сырдарьинская область

ОФИЦЕР С БОРЦОВСКИМ ХАРАКТЕРОМ

Инспектор профилактики ОПП Баяутского РОВД старший лейтенант Самандар Холмирзаев родился в Гулистане в 1995 году. Он – сын майора в отставке Саида Холмирзаева, который служил на различных руководящих должностях в системе ОВД.

С детства увлекаясь спортом, Самандар, по рекомендации отца, начал заниматься вольной борьбой. Первую значимую победу одержал в Ташкенте в 2014 году на Республиканском открытом чемпионате среди молодежи.

С. Холмирзаев – неизменный призер чемпионатов по вольной борьбе, проходящих в органах внутренних дел. Является абсолютным победителем турниров по вольной борьбе среди сотрудников ОВД Сырдарьинской области, состоявшихся в 2020-2021 годах.

Коллеги, хорошо знающие Самандара, восхищаются его борцовским характером, тем, что он ставит большие цели, неизменно их достигает.

Старший лейтенант Самандар Холмирзаев осуществляет профилактическую деятельность, направленную на укрепление правопорядка на вверенной ему территории – в махалле имени Беруни Баяутского района. Им наложен тесный контакт с жителями. Граждане знают, что к нему можно обратиться в любую минуту, ведь для махаллинцев инспектор профилактики – сотрудник, который всегда выслушает, поможет, защитит. Пожалуй, в этом и заключается главная миссия стража порядка.

Соб. корр.



НАПАРНИКИ

Инструктор-кинолог рядовой Машъалбек Шахобиддинов не новичок в органах внутренних дел. Службу начал в 2005 году постовым Управления охраны УВД Андижанской области. Затем несколько лет работал инспектором-кинологом в УБДД. На занимаемой должности с 2018 года. Дрессировать овчарку начал, когда она была еще практически щенком. Прошло немало времени, пока Вика не стала настоящей служебной собакой.

– Не ошибся, когда выбрал ее – она помощница, беззлобная, любопытная, послушная. Без собак свою работу уже не представляю. Они понятливые, преданные, – говорит Машъалбек.

Борис КЛЕЙМАН,
корреспондент
«На посту».

Андижанская область.



www.postda.uz



t.me/postdarasmiy



www.facebook.com/postdauz



www.instagram.com/postda_uz



Хизматларда

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАР ДОИМ МУҲИМ

Тошкент минтақаси темирйўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси «Орзу» бекатида ХТБ шахсий таркиби томонидан хизмат ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, ташилаётган моддий-товар бойликларнинг талон-торож қилиниши ва баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида «Орзу» ва «Қўл» бекатлари оралиғи бўлган хизмат кўрсатиш ҳудудларида мактаблар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда ҳамда темирйўл яқинида яшайдиган аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Ушбу бекатлар оралиғида қатновчи юк поездларининг белгиланган манзилга беками-кўст етиб боришини таъминлаш, темирйўл алоқа ва сигнализация воситаларини носоз ҳолга келтирувчи ҳолатларга қарши курашиш,

шунингдек, баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ижобий натижасини бермоқда. Бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиб, жиноятга жазо муқаррарлиги бўйича ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишлари мухим аҳамият касб этётганини алоҳида айтиш жоиз.

Олиб борилаётган профилактик тадбирларга қарамасдан, мавжуд қонун-қоидаларни бузаётган юртдошларимиз ҳам учраб



турибди. Жорий йилнинг ўтган даврида ана шундай фуқароларнинг 35 нафарига нисбатан маъмурий баён-

номалар расмийлаштирилди. Жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида темирйўл раҳ-

бариятига З та тақдимнома юборилди.

С.АБДУШУКУРОВ,
подполковник.



Погон таққан аёллар

ОРЗУ ЧЎГИ СЎНМАС ЭКАН...

Ўша куни Шаҳриниса отасининг хизмат кийимини дазмоллаётганди. Қандай қилиб қўнглидаги нияти лўп этиб оғзидан чиқиб кетганини ўзи ҳам билмайди. У:

– Мактабни битирсам, мен ҳам дадамга ўҳшаб ички ишлар организарида ишлайман, – деса бўладими.

– Қиз болага органда ишлашни ким қўйибди! – дея койиб берди онаси. – Ундан кўра ўқитувчи бўл. Дарсингни ўтиб бўлгач, уйингга келиб, хонадонингни саранжом-са-ришта қилиб ўтирасан, болаларингга қарайсан.

Шу гапдан сўнг Шаҳриниса онасининг раъиига қарши боролмади. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида тарих йўналишида ўқиди. Университетни битиргач, оила қурди. Ишига, рўзгор ташвишлари-га боши билан шўнгигб кетди...

Камолиддин Беҳзод номидаги миниатюра музейида директор ўринбосари лавозимида ишлаб юрган кезлари эди. Оиласи билан пойтахтимизнинг Юнус-обод туманинда маҳаллада яшарди. Ишдан бўш вақтларида та-ниш-билишлари, қўни-қўшниларига кийим-кечак тикиб берарди.

Бир куни ИИВ ЖИЭББнинг шутуманда жойлашган 1-тергов хибсонаси ходими янги формасини тўғрилатгани олиб келди. Буни қарангки, дилининг қат-қатига кўмилиб кетган орзу чўғи ҳали ҳам сўнмаган экан. Ҳалиги ходимнинг хизмат кийимини

тўғрилаш асносида ана шу милтилаган чўф аллангаланиб кетса бўладими. Кечки пайт умр йўлдоши ишдан қайтиши билан, Шаҳриниса ниятини айтиб, рухсат сўради.

– Ўзинг биласан. Агар оиласаги аёллик, оналик вазифангни ҳам, ишингни ҳам эпласанг, мен қарши эмасман, – деди турмуш ўртоғи.

Эртаси куни Шаҳриниса қанот чиқариб, 1-тергов хибсонасига учиб борди. Муассаса раҳбариятига учради. Нияти холис экан, жараён ўз-ўзидан тезлашиб кетди. Худди кечагидай ёдида – 2009 йилнинг 5 декабрида мазкур муассасада тартибот ва қўриқлаш бўлими назоратчиси вазифасида фаолиятини бошлади. Устози, катта назоратчи Диана Муртазина унга соҳанинг сир-асрорларини эринмай ўргатди.



ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсини 2012 йилнинг март ойидаги тамомлаб, ИИВ ЖИЭББ Ташкилий инспекторлик бошқармаси катта инспектори лавозимида хизматни давом эттириди.

Лавҳамиз қаҳрамони 2021 йилнинг декабрида унга ЖИЭД Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бошқармасида

янги жорий қилинган хотин-қизлар масалалари йўналишида мухим топшириклар бўйича инспектор лавозимида иш бошлагач, хотин-қизлар орасидаги муаммолар ва ташвишлар оламига шўнгигб кетди.

Шундан сўнг капитан Шаҳриниса Қўлдошева Департаментнинг барча минтақавий мувофиқлаштириш марказларида, жазони ижро этиш муассасаларида хизмат сафарида бўлиб, ходималарнинг хизмат фаолияти, оилавий шароити билан яқиндан танишди. Ҳатто бола парваришилаш таътилида бўлганлар ҳам назаридан четда қолмади.

Унинг саъй-ҳаракатлари билан ўтган йил мобайнида 22 нафар ходимага ссуда ажратилди. Ўзи, яқин қариндоши бетоб бўлган, оилавий тўй-маъррака ўтказганларга, уй-жойи таъминалаб бўлганларга моддий ёрдам кўрсатилди. Елибюгуриб хотин-қизлар ўтасида турли қўриқ-танловлар, спорт мусобақалари, давра сұхbatлари, психологик тренинглар ташкил этди.

Натижада ўтган бир йил ичидаги тизимда фаолият кўрсатаётган ходималарнинг хизмат самарадорлиги янада ошиди. Улар ўртасида маънавий муҳит яхшиланди. Ижобий натижалар ЖИЭД раҳбариятининг эъти-

боридан четда қолмади, албаттада. 2022 йил декабрида капитан Шаҳриниса Қўлдошева ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бошқармаси бошлигининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

Хотин-қизларнинг хизмат фаолияти ва яшаш шароитини ўрганиш



тизимли равишда давом эттирилмоқда. Бунда лавҳамиз қаҳрамонига муассаса бошликлари ва уларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари яқиндан кўмак бершишмоқда. Қолаверса, жамоатчилик асосида иш олиб бораётган хотин-қизлар кенгашлари раислари унинг сүянчи, таянчи. Департамент бошлиғи, полковник Рустам Турсуновнинг ҳам дардини эшитинг, ташвишини аритинг. Керак бўлса бу ёқда биз ҳам унга ёрдам беришга тайёрмиз», – деган сўзлари ҳамиша қулоги остида жаранглаб туради.

Капитан Шаҳриниса Қўлдошевванинг режалари бисёр, орзулари ҳам талайгина. Масалан, ИИВ Академияси магистратурасида ўқиш ниятида. Шунингдек, илмий изланишлар олиб бормоқчи. Бу истаклари ҳам ижобат бўлса, не ажаб. Зоро, орзу чўғи ҳеч қачон сўнмас экан. Ўғиллари Азизжон билан Азимжон унга «Сиз ҳаммасини уддалайсиз. Чунки сиз дунёда энг яхши ойисиз!» дейишади. Дилбандларининг бу сўзлари унга доим руҳий куч-кувват берип туради.

Бобомурод ТОШЕВ.



VELOSIPEDGA OSHNO FAXRIYLAR

– Velosiped haydash butun tananing umumiy salomatligiga ijobiylar ta'sir qiladi. Xususan, nafas olish va yurak-qon tomir tizimi faoliyatini yaxshilaydi, – deydi Farg'ona viloyati IIB Tibbiyot bo'limi poliklinikasi boshlig'i, **mayor Akmaljon Tojaliyev**. – Bu harakat psixologik holatni yaxshilashga ham yordam beradi. Chunki velosayr paytida endorfin nomli xushkayfiyat gormoni ajralib chiqadi va stresslar yo'qoldi. Muntazam jismoniy harakat sababli uyqu yaxshiroq va xotirjam bo'ladi, miyaning kognitiv funksiyalari kuchayadi. Bundan tashqari, velosiped vazn yo'qotishga va son sohasidagi mushaklar mustahkamligiga ham yordam beradi.

Vodiylar aholisi orasida velosipeddan kundalik turmushda ulov sifatida muntazam foydalanadigan insonlar juda ko'p. Ayniqsa,

hallasida istiqomat qiluvchi ichki ishlar organlari faxriysi, 72 yoshli iste'fodagi **mayor Muhammadjon Qosimov** ham velosipedni 22 yildan buyon o'ziga do'st biladi.

– 1978-yilda ichki ishlar organlari xizmatiga kirib, 2001-yilda pensiya ga chiqqanman, – deydi faxriy. – Shundan so'ng avtomashina haydashni bas qildim, uni farzandlarimga topshirdim. Qayerga otlasam ham velosipedda boram. Bir kunda 20–25 kilometrlab yo'l bossam ham, charchamayman. Aksincha, tetiklashib, kayfiyatim yaxshilanadi, kechasi tiniqib ugrayman. Xudoga shukurki, shu choqqacha jiddiy kasal



«Hozir yoshim 70 dan oshgan bo'lsa-da, o'zimni tetik-bardam his qilaman. Tengqurlarim havas qilib: «Borgan sari yosharib ketyapsan», – deya hazil qilishadi».

pensiya yoshidagilar uchun velosiped haqiqiy hamrohga aylangan. Masalan, Qo'qon yoki Marg'ilon shaharlariga borsangiz, boshiga Marg'ilon do'ppi kiygan, oq yaktakli nuroniylarning velosiped minibozorga, choyxonaga, masjidga ketayotgani yoki shunchaki salomatlik uchun ko'chalarni sayr qilib yurganiga guvoh bo'lasiz. Farg'ona shahrining «Shaqrqishloq» ma-

bo'lib shifoxonada yotgan emasman. Bularning barchasini velosipedning foydasidan deb bilaman.

1951-yilda tug'ilgan Muhammadjon Qosimov to'rt o'g'il va bir qizning otasi. Qator-qator nabilalari bor. O'tgan yili «O'zbekiston IIV faxriysi» esdalik nishoni bilan taqdirlandi.

– Barcha faxriylarga velosiped minishni tavsija qilaman, – deydi u o'z tajribasi bilan o'rtoqlashib. – Bu ulovni minishda ham ba'zi qoidalarga amal qilish zarur. Masalan, velosipedni o'rtacha tezlikda, tanani zo'riqtirmay haydash kerak. Qorin och yoki o'ta to'q paytlarda, yarim tunda, qorong'i ko'chalarda haydamagan ma'qul.

Farg'ona shahri Sohibqiron Temur ko'chasida yashovchi iste'fodagi **podpolkovnik Rahmat Axunov** ham ko'p yillardan buyon velosipedda yurishni kundalik odatga aylantirganlardan biri. U ko'p yillar ichki ishlar organlari ning jinoyat qidiruv xizmatida faoliyat ko'rsatib, pensiyaga chiqqan bo'lishiga qaramay, aksar tengqurlariga qaraganda ancha tetik, sog'лом va yosh ko'rinadi.

Rishton tumani Zohidon qishlog'ida istiqomat qiluvchi **faxriy jurnalist Hamidjon Burxonov** velosiped haydash orqali salomatligini tiklagan kishilarning yana biri.

Ahatali Mahkamov velosipedda sayohat qilishga juda qiziqadi. Shu sababli Toshkentga, keyin Samarkand shahriga ham velosipedda borib-kelgan.

tetik-bardam his qilaman. Tengqurlarim havas qilib: «Borgan sari yosharib ketyapsan», – deya hazil qilishadi.

Farg'ona viloyatining Bag'dod tumanidagi Xitoy qishlog'ida yashovchi **Ahatali Mahkamov** velosipedda sayohat qilishga juda qiziqadi. U zarur bo'lganda, 60–70 kilometr yo'l bosib Marg'ilon shahriga bemalol velosipedda borib kelaveradi. Sayohatga astoydil qiziqqani sababli Toshkentga, keyin Samarqand shahriga ham velosipedda borib-kelgan.

67 yoshli oqsoqolning eng katta orzusi 2022-yilda velosiped tufayli amalga oshdi. Otaxon o'zining sodiq hamrohi bilan Umra ziyoratiga otlandi. Tojikiston, Qozog'iston, Rossiya, Gruziya va Turkiya orqali 57 kun yo'l yurib, Makka shahriga yetib bordi va Umra amallarini bajarib qaytdi.

Farg'onalik **nevropatolog-shifokor Nodirjon Qo'shaqov** velosiped haydashning inson salomatligiga foydasi haqida quydagilarni aytilib berdi:

– Velosiped pedallarini bosar ekansiz, yuragingiz tezroq urishni va ko'proq qon haydashni boshlaydi. Yurak qisqarishlari chastotasi optimallashadi, harakat faolligi tufayli tomirlarda qon quyulmaydi. Demak, tromblar va varikoz shaklanishi xavfi kamayadi. Mushaklar faoliyati yaxshilanadi. Velosiped haydaganda, o'pkalarda faol ventilatsiya yuz beradi: ular kislordan bilan to'yinadi va zararli moddalar dan tozalanadi. Bu mashg'ul tana vaznini kamaytirishga yordam berishi ham isbotlangan. Shoshilmay velosiped haydash boshqa jismoniy faoliyatlariga nisbatan odamni kamroq charchatadi. Bu mashg'ul bilan muntazam shug'ullangan odamning asab tizimi ham yaxshilanadi, qon bosimi me'yoriga tushadi, uyqu sifati ortib, o'zini tetik his qiladi.

Faqat bir muhim eslatma: yoshi ulug' insonlar muntazam ravishda velosiped haydashni xohlashsa, albatta, umumiy amaliyat shifokori va kordiolog ko'rigidan o'tib, ularning tavsiyasini olganidan so'ng bu ishga kirishgani, tez-tez shifokorlar bilan maslahatlashib turgani maqsadga muvofiq bo'ladi.

Abduvosit SIDIQOV, o'z muxbirimiz.
Farg'ona viloyati.



Ветераны – наша гордость

ОТЛИЧАЯСЬ ПРОФЕССИОНАЛИЗМОМ И ТРУДОЛЮБИЕМ

27 мая подполковник в отставке Венера Хабибовна Исмаилова, которая на протяжении многих лет занимала должность главного психиатра Медицинского управления МВД Узбекистана, отмечает День рождения. От всего сердца поздравляем ее со знаменательным событием, желаем крепкого здоровья, благополучия и процветания!

Многие годы посвятила В. Исмаилова системе ведомственного здравоохранения.

Она училась на лечебном факультете Ташкентского медицинского института (ныне Ташкентская медицинская академия). Работала на ответственных должностях, впоследствии пришла в мед управление МВД Узбекистана, где начала свою трудовую деятельность, связанную с охраной здоровья блюстителей правопорядка. Необходимо отметить, каким трудолюбивым и чутким специалистом была В. Исмаилова в годы профессиональной деятельности. Венера Хабибовна, являясь одним из лучших сотрудников управления, постоянно повышала профессиональный уровень, что называется, шла в ногу со временем, широко применяя в работе новые разработки, методики профилактики и лечения за-

болеваний. Она на постоянной основе поддерживала связи с коллегами из разных городов, делилась наработанным опытом, идеями. И сегодня В. Исмаилова общается с ними, не прерывая сложившиеся добрые отношения.

Вот уже более 20 лет Венера Исмаилова на заслуженном отдыхе, посвятила себя семье, родственникам, среди которых внучка Аделя – медсестра поликлиники ГУВД города Ташкента. Сын, Марат Узебаев, работал в Центральном аппарате МВД, в звании подполковника вышел на заслуженный отдых. Венера Хабибовна продолжает активную деятельность, не забывая ставшее родным подразделение, часто встречается с молодыми специалистами, помогает дальним советом.

– Замечательный специалист и просто прекрасная женщина, – говорит о ней под-



полковник в отставке Лариса Петровна Дурель. – Венера Хабибовна всегда готова помочь и словом, и делом, объединяя вокруг себя родных, близких, друзей и коллег. Годы ее деятельности в управлении были весьма результативными. Мы прослужили долгие годы в одном коллективе. Она всегда с большой ответственностью подходила к выполнению возложенных задач. Ее заключения были важны при отборе кадров, при возникновении у сотрудников сложных ситуаций на службе или дома,

при их выходе на пенсию. Наблюдала за психоэмоциональным здоровьем сотрудников, консультировала по различным вопросам.

Участвуя в качестве специалиста высокого уровня в профотборе в органы внутренних дел, она оценивала, насколько кандидат подходит для службы, выявляла особенности личности, наличие тех или иных черт, которые могут стать помехой в работе.

Венера Хабибовна помогала сотрудникам справиться с эмоциональными и психосоматическими проблемами в сложных ситуациях, при переживании кризисных состояний. Для нее было в радость, когда человек находил пути решения своих проблем, начинал позитивно смотреть на мир и людей вокруг. Ей по сей день благодарны многие стражи порядка. Венера Хабибовна заряжает энергией, вселяет веру в то, что можно и в преклонные годы быть активной, бодрой, приносить пользу и чувствовать себя нужной.

**Георгий ПЕТРОСЯН,
корреспондент
«На посту».**

■ г. Ташкент

НАПРАВЛЕНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ – РАБОТА С МОЛОДЕЖЬЮ



В последние годы в нашей стране осуществляются системные меры, направленные на ограждение молодежи от девиантного поведения. К работе по профилактике правонарушений вовлекается широкая общественность, активисты махаллей. Особое внимание уделяется воспитанию подрастающего поколения в духе уважения традиций нашего народа, проявляющихся в почитании старших, дружелюбном отношении к сверстникам, благородстве, честности.



В 2021 году в целях предупреждения и пресечения правонарушений и преступлений среди молодежи в органах внутренних дел была введена должность старшего инспектора по вопросам молодежи. Для внедрения новых форм деятельности, решения проблем, волнующих юношей и девушек, дальнейшего повышения эффективности духовно-просветительской и воспитательной работы в

январе 2022 года учреждена должность лидера молодежи махалли. Кроме того, реализованы проекты «Одному ветерану – десять молодых подопечных», организуются встречи трех поколений.

Сотрудниками ОПП УКД ОВД Бектемирского района столицы совместно с активистами и аксакалами махаллей, лидерами молодежи, педагогами на регулярной основе проводятся мероприятия воспитательного характера. Формы деятельности различны: встречи и профилактические беседы в махаллях, школах, средних специальных и высших образовательных учреждениях, рассмотрение вопросов организации содержательного досуга, работа с неорганизованной молодежью, трудоустройство лиц, состоящих в «молодежной тетради» и т. д.

Отметим, что в «молодежной тетради» по Бектемирскому району с 2022 года состояло 103 человека. На сегодняшний день 99 из них оказана помощь. Принимаются меры по оказанию необходимой поддержки оставшимся в списке 4 молодым людям.

**Зарина ИСАЕВА,
подполковник.**



www.postda.uz



t.me/postdarasmiy



www.facebook.com/postdauz



www.instagram.com/postda_uz



Ҳалолликни шиор қилган ходимлар

ҚАСАМЁДГА СОДИҚЛИК ШАРАФ КЕЛТИРАДИ



Катта лейтенант Бунёд Исановнинг назоратидаги озодликдан маҳрум қилиш билан боғлик бўлмаган жазога тайинланган юздан ортиқ шахслар бор. Вазифаси уларнинг белгиланган жазога риоя этиши, ишга жойлашишига кўмаклашиш, касбга йўналтиришдан иборат.

Баъзан айрим шахсларни тунги вақтларда ўз ҳудудида бўлишини назорат қилишига тўғри келади.

Мирзаобод тумани ИИБ Пробация гуруҳи катта инспектори, катта лейтенант Бунёд Исанов билан бир марта сұхбатлашган киши унинг ҳалол ва самимий инсон эканига амин бўлади. 2009 йилдан бери ички ишлар органлари тизимида. Дастраси фаолиятини қўриқлаш хизматидан бошлаб, кейинчалик Пробация гуруҳи катта инспектори лавозимида давом эттириди.

Ўғирлик жинояти содир этиб, уч ийл озодликни чеклаш жазосига маҳкум қилинган Васит Абрамов (исм-шарифи ўзгартирилди) кечки пайтда ўз яшаш ҳудудида бўлиш қоидасига риоя этмай, маст ҳолда жамоат жойида юргани аниқланди. Ҳолат юзасидан тегишли баённома расмийлаштирилди.

Қонунчиликка кўра, назорат остидаги шахс тегишли тартиб-қоидаларни бузмаса, интизомий жазо чоралари қўлланилмаса, белгиланган жазодан шартли равишда озод қилинади.

Буни яхши билган В.Абрамов катта лейтенант Бунёд Исановга тегишли ҳужжатларни расмийлаштираслик эвазига 1 миллион сўм миқдорида пора таклиф қилди. Инспектор рад этди. Шунга қарамай, у қайта-қайта пора эвазига интизомий чорани бекор қилишга ҳаракат қилди. Мазкур хатти-ҳаракат жиноят эканни тўғрисидаги огоҳлантиришга эътибор бермади. Шундан сўнг Бунёд Исанов бу ҳақда раҳбари ятга мурожаат қилди. Ўтказилган тезкор тадбирда пробация

назоратидаги шахс В.Абрамов катта лейтенант Бунёд Исановга 1 миллион сўм миқдорида пора бераётган вақтида қўлга олинди.

Ўртага менинг, қолаверса, ички ишлар органлари тизимида шаъни тикилганди, – дейди Бунёд Исанов. – Раҳматли онам доим «Ўғлим, менинг розилигимни истасанг ҳалол бўл, тўғри йўлдан адашма» дея насиҳат қилардилар. Ушбу шахснинг алдовига учмаганим мархум онамнинг васияти, қасамёдимга бўлган садоқатимнинг инъикосидир.

Катта лейтенант Бунёд Исановнинг ушбу сўзларига бошқа изоҳ қўша олмадик. Кўнглимиздан тизимда шундай садоқатли ходимлар борлигидан фахр туйғуси ўтди, холос.

Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ,
«Postda» мухбири.

Сирдарё вилояти.



Фидойи ходимлар

ЭР ЙИГИТГА ИШОНЧ ШАРАФ ДЕМАКДИР

Катта лейтенант Шерзод Юсупов ички ишлар органларидаги хизмат фаолиятини 2006 йилда Самарқанд вилояти ИИБ ППХда сафдор ходим сифатида бошлаган. Ҳозирда Пайариқ тумани Челак шаҳарчасидаги «Фойиб ота» маҳалласида профилактика инспектори. Унинг ўзи ҳам Пайариқнинг чекка ҳудудларидан бири бўлган «Янги ҳаёт» МФЙда туғилиб ўсан. Айни пайтда оралиқ масофа йигирма километрдан олис бўлгани учун хизмат олиб бораётган маҳалласидаги хизмат уйида оиласи билан яшайди. Аёли Ферузахон ҳамшира. Поликлиникадаги фаолиятини тугатиб қайтгач, зарур бўлганда, қуни-қўшниларга тиббий муолажалар кўрсатади. Уларнинг фарзандлари Ҳумоюн, Нозибону, Мубина яқин ҳудуддаги таълим муассасаларининг аълочи, тарбияли ўқувчиларидан.

– Хизмат ҳудудим туман марказидаги одамлар гавжум маҳаллалардан бири, – дейди қаҳрамонимиз. – Унда 2860 нафар аҳоли истиқомат қилади. Турли давлат ташкилотлари билан бир қаторда, дехқон бозори, шоҳбекат, катта-кичик ишлаб чиқариш, тадбиркорлик корхоналари жойлашган. Қувонарлиси, маҳалламиз «яшил» тоифага киритилган. Бу натижани сақлаб қолиш учун ҳамиша фаолиятимни бошқа соҳавий хизмат ходимлари билан ҳамкорликда олиб бораман. Айниқса, маҳалладаги бешлик биргалашиб маҳалладаги мавжуд муаммоларни атрофлича ўрганиб чиқишига ҳаракат қиласиз. Фаоллар иштирокида профилактик сұхбатлар ўтказмиз. Уйма-уй юриб, фуқароларнинг турмуш тарзи билан яқиндан танишамиз. Ўз ўрнида уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун керакли ёрдамимизни аямаймиз.

Аҳил-иноқлик, келишиб, кенгашиб, жонкуярлик билан ишланган жойда, албатта, яхши натижа, кўз кўргудек самара бўлади. Қаҳрамонимиз ҳам ўзининг фидойилиги туфайли кўпчиликнинг ишончини қозониб, маҳалланинг нафақат осойишталик посбони, балки одамларнинг энг яқин маслаҳатчисига айланган. Маҳалланинг тўй-ҳашами, турли тадбирларида ҳамиша улар билан бирга.

– Инспекторимиздаги мулоҳазакорликни қадрлайман, – дейди маҳалла раиси Шуҳрат Эргашев. – У доим муаммоли вазиятларнинг келиб чиқиш сабабини шошилмасдан ўрганиди. Қарор қабул қилишга келганида, бошқаларнинг фикрини инобатга олади. Доим фуқаролар билан муроса қилиб, уларга ҳуқуқий томондан маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатади. Унинг табиитига бефарқлик ёт. Ҳар бир ишни пишиқ, пухта бажаришни яхши кўради.

Бу, албатта, бизга ҳам маъқул. Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишда аҳоли билан тез-тез сұхбатлар ўтказиб, керакли тавсиялар бериб турди.

Маҳалла раисининг таъкидлашича, айни пайтда маҳалладаги икки нафар фуқаро туман ИИБ Пробация хизмати рўйхатида туради. Шерзод Юсуповнинг ўз касбига садоқатини ана шу фуқаролар билан узлуксиз профилактик сұхбатлар олиб бориш баробарида уларни ишли қилмагунича тинчимади. Пробация хизматидаги сафдошлари билан маслакни бир ерга қўйиб, уларнинг бандлигини таъминлади. Ҳозирда бири мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада ишчи, иккинчиси эса тадбиркорлик фаолияти билан машғул.

– Менга фуқаролар билан ишлаш ёқади, – дейди катта лейтенант Шерзод Юсупов. – Устозим капитан Ўтқир Ҳусайнинов «Юрт корига



ярай десанг, одамлар билан тиллашишни, астойдил ишлашни одат қилгин», деб ўргатган. Қолаверса, яқин инсонларим бобом, амаким, тоғам ҳам шу тизимда узоқ йиллар самарали фаолият юритган. Айниқса, тоғам, истеъфодаги подполковник Абдулла Эшатов қизиқишиларимни тўғри баҳолаб,

«Сулоламиз давомчиси бўласан», деб айнан ички ишлар органларида хизмат бошлашимга сабабчи бўлган. Хизмат жараёнида нағим тегиб, мендан мамнун бўлган одамларни кўрганида, ўзимга билдирилган ишончни оқлаётганимдан хурсанд бўламан. Янада руҳланиб, зиммамга юклитган вазифаларни тўқис адо этишга янги файрат би-

лан киришиб кетаман. Чунки эр йигитга ишонч шараф демакдир.

Бугун «Фойиб ота» маҳалласи юртимизнинг обод, осойишта ва одамлари бир-бирига меҳр-оқибатли гўшаларидан биридир. Бу эса ушбу ҳудуд аҳлига уларнинг кундалик турмуш тарзи билан қизиқиб, зарур вазиятда жўяли ечим топиб, уларга суюнч, ишонч бўлаётган оқил инсонлар бош-қошлигидан далолатдир. Қаҳрамонимиз ушбу маҳалла профилактика инспектори, катта лейтенант Шерзод Юсупов ҳам шундай жонкуярлар қаторида эканлигидан кўнглимиз тўқ.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
«Postda» мухбири.
Самарқанд вилояти.



Mulohaza

Avtobusda ota-bolaning muloqoti e'tiborimni tortdi. O'g'il konsertga tushishga pul so'radi. Ota bo'lsa: «Nima qilasan o'shaning qo'shig'ini eshitib, ovozi yo'q, fonogramma aytadi, uning konsertiga kirding nima-yu, radioda eshitding nima?», dedi. Suhbat bundan bir necha yil ilgarigi voqeani yodimga soldi.

QO'SHIG'INGNI AYTAVER, LEKIN ALDAMA...

Bir hamkasbimning to'yiga yoshlar suyadigan, telekanallarda qo'shig'i tez-tez aylanadigan qo'shiqchi keldi. Uning ismi e'lorn qilinishi bilan davrani yoshlar o'rab oldi. Stolda o'tirganlar «mashhuri zamon»ni ko'rmasa ham, qo'shig'inu tinglashdi. To'y orasida keksalar o'zlar o'tirgan katta xonaga o'sha qo'shiqchining kelishini so'rashibdi. Uy egasining taklifi bilan men ham kirdim.

Oqsoqollar u bilan shirin suhbat qurishdi, asli qayerlik ekanligi, qo'shiqlariga she'rni qayerdan olishi, bordingki, oilasigacha qiziqishdi. Keyin biri: «Munojot»ni ayta olasanmi?», deb so'radi. U «Ha», degandek, boshini qimirlatdi, lekin yuzida ikkinalish zohir edi. Qisqasi, qo'shiq yangray boshladidi. Kuchanish zohir jonli ovozini eshitishim bilan xayolimdan «Ovozi yo'q ekan, shu xirgoyini musiqaga umuman aloqasi yo'q men ham qila olaman», degan o'y kechdi.

Qo'shiqchi bir amallab, ashulaning 6 yo'q qatorini aytadi. Keyin duoga qo'l ochdilar. Chollardan biri «san'atkor»ga yaxshi tilaklar bildirarkan, gap orasida qo'shib qo'ydi: «Boram, qo'shig'ingni aytaver, lekin aldama». Sal o'tgach, hamkasbim tushuntirdi, u qo'shiqni «Munojot» bilan boshlab, davomini bilmagani uchun boshqa mumtoz qo'shiqqa ulab yuborgan ekan.

Har qanday kasbda bo'lgani singari, san'atda ham o'zi yuqtirmasa, hisobga o'tmas ekan, degan xulosaga kelgan-

man o'shanda. Afsuski, ovozi bo'limasa-da, turli tovushni o'zgartiruvchi va kuchaytir-guvchi qurilmalar yordamida o'zini «yulduz»ga aylantirganlar ko'payib ketgan. Lekin ular dan o'pkalashning hojati yo'q. Hamma ayb aljirashdan sal farq qiladigan so'zlar uyumini fonogramma tarzida kuylasa ham qabul qiladigan tomoshabinda. Bu yog'i bozor iqtisodiyoti, talabga yarasha taklif. O'ylantirgani, auditoriya saviyasining bu qadar tushib ketishiga sabab nima? Har so'zidan ma'no anglashiladigan, maqsadi yaxshilik va tarbiya bo'lgan qo'shiqlarga talab susayishida ne sir bor? Balki bunga pulini olib, televide niye va radioda tayini yo'q qo'shiqlarni qo'yib yuborayotganlar sababchidir. Ular yashab qolish uchun shunga majbur.

Achinlarli, xalq orasida shirali ovozi bilan har qanday muxlisni sehrlay oladiganlar ko'p. Ammo ularda klip olish, ijodini televide niye dasturlariga kiritishning imkoniy yo'q. Asosiysi, qo'shiqchilik borasida ulkan merosga egamiz. Demoqchi bo'lganim, og'zini fonogrammaga moslab, tana-sini likillatib turadiganlarni emas, haqiqiy san'at sohiblarini tinglash, qo'llash kerak.

Yana bir fikr: ayrim san'atkorlarning so'zlariga qulquttsang, fikrleri sayozligidan, hech bo'limasa, muktabada o'qiganmikan, degan shubhaga borasan. Balki qashshoq she'rlardan tug'ilgan fonogrammaning ildizini shu yerdan qidirish kerakdir?! Nazarimda, fonogramma yolg'onning bir turi, yolg'on esa har qanday davr va jamiyatda qoralanadi. Yo adashyapmanmi?

Alijon ABDUSATTOROV,
«Postda» muxbir.
Jizzax viloyati.



BEE'TIBOR Bo'LMAYLIK!

Iste'mol qilinadigan maishiy mahsulotlarning qoldiqlari ko'payib borayotganligi sababli, ekologiya inqirozga yuz tutmoqda. Misol uchun, dunyo bo'yicha bir kunda, bir inson tomonidan chiqariladigan qattiq va maishiy chiqindilar salkam 1 kilogrammga to'g'ri keladi. Demak, biz bu sonni bir yilga va shu raqamlarni butun dunyo aholisining soniga ko'paytirsak... Eh-hey! Adashib ketamiz! Bularning bari bizning ehtiyojlarimiz ko'payib borayotgani va e'tiborsizligimiz oqibatidir.

Hozirda global muammo bo'lib turgan Orol dengizining qurishi oqibati o'laroq, kislород yetishmasligidan qariyalarning qon bosimi oshishi va bolalarning nogiron bo'lib tug'ilishi, chang havoning kelishidan yerlarning unumdorligi yo'qolib, ekinlarimizning hosilsiz bo'lib qolishi kabi muammolarni keltirib chiqarmoqda. Ayniqsa, daraxt-larning kesilishi salbiy oqibatlarga sabab bo'imoqda. Barchamiz bilamizki, daraxtlar kislород manbayi. U o'zining tabiatga beminnat xizmati bilan ajralib turadi.



Eng katta muammolardan yana biri hozirda yosh-u qarining nam salfetkalarni ishlatalishidir. Bu go'yoki urfga chiqib, borgan sari ko'payib bormoqda. Odamlar salfetkalar mikrobnii oladi, deb o'ylashadi. Aslida esa bor-yo'g'i bir necha soniya toza qilib turishi mumkin, xolos. So'ng o'zidan mikroblarni chiqarib, ikki barobar yuqumli kasalliklarni keltirib chiqaradi. Aynan bir buyum tufayli atrof-muhit muhofazasiga zarar yetkazayotganimizni hali o'zimiz anglab yetganimiz yo'q. Olimlarning fikricha, salfetka, sellfan paketlar kamida 200 yilda chirishi mumkin ekan. Eh-timol, oddiy bir buyumni aytayotgan-dirman. Lekin aynan shu oddiy narsa tufayli daraxtlarimiz ozor chekmoqda. Odamlar ishonuvchan va soddaligi bois, qayoqdagi bo'lmag'ur yolg'onlarga ishonib, daraxt shoxlariga salfetka bog'lab ketmoqda. Go'yoki daraxtga bog'langan mato, aytib bog'langan tilakni ro'yobga oshirishni ta'minlarkan. Bu esa o'z-o'zidan aqidaparastlik alomati hisoblanadi. Hozirda bu odat bizning jannatmakon yurtimizga ham kirib kelishga ulgurdi. Ayniqsa, bu yoshlar orasida keng urf bo'imoqda.

Endi bir tanamizga o'ylab ko'raylik. Daraxtga bog'langan bir bo'lak mato,

bizning orzularimizni ushaltira oladimi? Aksincha, shu bir bo'lak mato daraxt shoxlarining o'sishiga yo'l qo'ymaydi, oqibatda esa ekologiyani kislород bilan ta'minlayotgan bir daraxt qurishiga sababchi bo'lib qoladi. Bir daraxt kesiлиши yoki qurishi oqibatida qanchadan-qancha mikroblar ko'payishiga sabab bo'ladi.

Hozir qayerga qaramaylik, turli xildagi buyum qoldiqlariga ko'zimiz tushadi. Yo'llarda, dalalarda, uyning har bir burchagida va hattoki, baliqlar bilan birga suzayotganligini ham ko'ramiz. Bizning eng yomon jihatimiz esa ko'rib ko'rmaslikka olishimizda va be-farqligimizdadir. E'tiborsizligimizdan esa jamiyat zarar ko'ryapti, ekologiya ifloslanyapti. Buning oldini olishning birdan-bir chorasi har bir narsaning oqibatini o'ylab ish ko'rish va zarar yetkazuvchi bo'lishdan hazar qilib, o'zligimizni anglagan holda, o'zimiz bu-zayotgan ekologiyani har birimiz vaqtida tozalab oyoqqa turg'azishimizdir. Buning uchun esa, eng awalo, o'zimizning atrof-muhitga befarq emasligimiz anglashimiz darkor.



Xulosa o'rnda aystsam: ekologiya va atrof-muhitga befarq bo'lsak, kelajakdan umid qilmasak ham bo'ladi. Eng yomoni ham shunda. Demak, atrofimizdag'i o'zgarishlarga befarq emasligimizni isbotlash vaqtida keldi va buni aynan bugundan, ayni vaqt dan boshlamog'imiz kerak.

Ha, azizlar, bee'tibor bo'lmaylik! Bugungi omon-omon zamonamizning bonyodkorligini, gul-u gulzorini, bog'-u bo'stonini asraylik va har birimiz o'z hissamizni qo'shaylik. Yaxshi amal, baribir yaxshi-da, nima dedingiz, yaxshilar?!

Saodat G'ANIYEVA.
Buxoro viloyati.

YOZ O'TSIN SOZ, DESANGIZ...

Mana, bahorning uchinchi oyi ham o'tib boryapti. Oldinda bizni yozning qaynoq kunlari qarshilaydi. Dasturxonimiz yangi meva-sabzavotlarga yanada to'ladi. Har narsaning yaxshi-yomoni bo'lganidek, yoz faslining ham o'z muammolari bor. Ulardan biri odamlar orasida o'tkir ichak kasalliklarining ko'payishidir.

Xo'sh, o'tkir ichak kasalliklari nima? Nega u aynan yoz mavsumida ko'payadi? Uning oldini olish uchun nimalar qilish kerak?

O'tkir ichak kasalliklari asosan kasallik chaqiruvchi mikroorganizmlar bilan zararlangan oziq-ovqatlar, suv va boshqa ichimliklar iste'mol qilin-gandan so'ng rivojlanadi. U yaqqol kechganda, odam qorin sohasida noxushlik va og'riq sezadi, ko'ngli ayniydi, darmoni quriydi, tana harorati ko'tarilib, bosh og'rishi, qayt qilish va bir necha marta ich ketishi kabi belgililar bilan kechadi. Bemorga tezda zarur tibbiy yordamlar ko'rsatilmasa, organizmning zaharlanishi va suvsizlanishi natijasida yomon oqibatlarga olib keladi.

O'tkir ichak kasalliklari kelib chiqishining oldini olish uchun, avvalo, har bir odam shaxsiy gigiyena qoidalariga qat'iy amal qilishi kerak. Yoz fasilda ko'p uchraydigan (ayniqsa, yosh bolalar orasida) ichburug' kasalligi «Iflos qo'llar» kasalligi ham deyiladi. Shuning uchun qo'lni iflos-lantiradigan har bir yumushdan keyin qo'lni yaxshilab sovunlab yuvish zarur. Meva va sabzavotlar, ayniqsa, ko'katlarni iste'mol qilishdan oldin tozalab yuvish, sifatsiz (ezilgan, chi-

rgan) mevalarni iste'mol qilmaslik zarur.

Yoz mavsumida harorat mikroorganizmlar ko'payishi uchun eng maqbul hisoblanadi. Ya'ni, harorat 30–37 °S bo'lganda, kasallik qo'zg'atuvchi mikroblar avj oladi. Shu sababli barcha oziq-ovqatlar sovutkichlarda saqlanishi, ovqatlar bir martalik iste'mol miqdorida tayyorlanishi zarur. Ayniqsa, tez buziluvchan mahsulotlar (go'sht, sut, kolbasa, tuxum) saqlanishi alohida e'tibor berish kerak. Sovutkichdagi mahsulotlar har kuni bir marta tekshirilishi, sifati o'zgargan mahsulotlar olib tashlanishi zarur. Ko'cha-ko'yda tayyorlangan, sifati shubhali sutli mahsulotlardan tayyorlangan taomlar (ayron, suzmali salatlar), qiyima va tuxumli ovqatlarni iste'mol qilishdan saqlanish zarur. Qaynatilgan yoki qadoqlangan ichimlik suvini iste'mol qilish, ochiq suv havzalari suvidan (idish va meva-sabzavotlarni yuvish uchun ham) foydalansmaslik kerak.

Meva-sabzavotlarni me'yordan ortiq, betartib iste'mol qilish, oshqozon va ichaklarda kasallik qo'zg'atuvchi mikroblar ko'payishiga yaxshi sharoit yaratadi. Shu sababli mevalarni



qolgan maishiy chiqindilar, ovqat qoldiqlari pashshalar tuxum qo'yib ko'payishi uchun yaxshi sharoit yaratadi. Yoz kunlarida chiqindilarni har kuni tashib chiqib ketish, un-gacha zinch bekiladigan, qopqoqli idishlarda saqlash zarur.

Oziq-ovqat shoxobchalarida ishlaydigan xodimlarning sog'lig'ini nazorat qilish ham katta ahamiyatga ega. Chunki kasallangan birgina xodim shu oshxonada ovqatlanayotgan barcha mijozlarga tayyorlagan ovqati orqali kasallik yuqtirishi mumkin. Shu bois oshxonalarida kundalik sanitariya-gigiyena tartibini saqlash, oshpazlar sog'lig'ini nazorat qilish zarur.

Yuqorida ko'rsatilgan tavsiyalarga amal qilsak, kutilayotgan yoz mavsumini, albatta, soz o'tkazamiz.

**Azizbek HAMDAMOV,
Farg'on'a viloyati IIB
Tibbiyot bo'limi SENM
sanitariya shifokori.**

taomga qo'shmay, ovqatlanishlar oralig'idan iste'mol qilish maqsadga muvofiq.

O'tkir ichak kasalliklari tarqalishining oldini olishda atrof-muhit tozaligi ham katta ahamiyatga ega. To'planib

ВИТАМИНЫ ДЛЯ МОЛОДОСТИ КОЖИ

Витамины – незаменимый источник здоровья, красоты и молодости кожи. Питательных веществ, поступающих с пищей, недостаточно для поддержания ее оптимального витаминно-минерального баланса. Обогатить дерму достаточным количеством витаминов поможет системный подход: сбалансированное питание, прием современных поливитаминных комплексов и витаминизированная косметика.

Многие витамины оказывают непосредственное влияние на качество и состояние кожи: их дефицит или переизбыток может выражаться сухостью, шелушением, раздражением, покраснением, снижением тонуса и потерей сияния, свежести эпидермиса.

Для поддержания здоровья кожи дерматологи рекомендуют пополнять ее витаминно-минеральный баланс как изнутри, так и снаружи, используя соответствующую косметику с активными формулами. Наружное применение витаминных комплексов в достаточном объеме обеспечивает кожу лица и тела необходимыми веществами.

Витамины для кожи в основе косметики для домашнего ухода решают несколько основных задач:



- питают и обогащают клетки микроэлементами, улучшают внешний вид кожи;
- увлажняют и смягчают эпидермис, укрепляют ги-
- дролипидную мантию;
- способствуют повышению синтеза естественного коллагена и эластина;
- сокращают видимые признаки преждевремен-
- разрушающим воздействием свободных радикалов;
- помогают бороться с несовершенствами и следами акне (черными точками, прыщами);

- регулируют выработку кожного сала, уменьшают жирный блеск лица.

Обеспечат красоту и здоровье

Витамин С. Продукты, которые содержат витамин С, должны быть в рационе каждого человека, следящего за своим здоровьем. К этим продуктам относятся: цитрусовые, шиповник, черника, земляника, черная смородина.

Витамин K. Источник витамина – листовые зеленые овощи, цветная и белокочанная капуста, оливки и оливковое масло, молоко, авокадо, киви.

Витамин РР. Найти витамин РР можно в печени, почках, гречке, фасоли, грибах, мясе, манго, свекле, черном хлебе.

Витамин В₆. Витамином В₆ богаты многие продукты – капуста, фундук, грецкие орехи, морковь, шпинат, картофель, вишня, черешня, цитрусовые.

Перед применением посоветуйтесь с врачом!



МЕХРУ МУҲАББАТИ УММОН ҚАДАР...

Шонли тарихимизга назар ташласақ, авлодларга ўзларининг мардлиги, жасорати, эзгу ишлари, дунё тамаддунига қўшган беқиёс ҳиссалари билан ўрнак бўлиб келаётган ота-боболаримиздан ташқари, беназир ақл-заковати, юксак салоҳияти, уммон қадар чексиз меҳру муҳаббати билан ҳамон қалбимиз тўрида сақланиб қолаётган момоларимиз ҳам жуда кўпчиликни ташкил этишига гувоҳ бўламиз.

Улар ҳақида гап кетганда, шубҳасиз, биринчилардан бўлиб, Бибихоним (Сароймулхоним) номи тилга олинади. Бу бежиз эмас. Ёзувчи Шаҳодат Исахонованинг иккисидан иборат «Турон маликаси» тарихий романини ўқирканисиз, бунга яна бир карришонч ҳосил қиласиз. Зеро, китобда Турон юртдининг шоншуҳратли бош маликаси – Бибихоним ва маликалар – Туман Оға, Рухпарвар Оға ҳамда Тўкалхоним ҳаётининг юлдузли онлари билан бирга, қисмату қадарнинг турли жилвалари ва аянчли эврилишлари ҳам акс этган.

Романин мутолаа қиласиз, шунингдек, Амир Темур васиятига хиёнат қилган набира – шаҳзода Халил Султон Мирзонинг дабдаба или бошланган ва ҳалокатли якунланган салтанати ҳамда бошига ғойибдан «баҳт қуши» қўниб, бир лаҳзада Турон маликасига айланган Шод Мулхонимнинг қилмишларига ҳам гувоҳ бўласиз.

Тарихий романда бош қаҳрамон ҳаёти ва фаолиятидан ташқари, Амир Темур давридаги илм-фан, санъат, сарой ҳаёти, сиёсий жараёнлар, шарқона қадрияtlар, табиат манзаралари ҳам ёрқин бўёқларда ифода этилгани ўқувчининг асарга бўлган муҳаббатини оширишга хизмат қиласи.


Маълумки, шаҳзодаларнинг дунёвий ва диний билим олишлари лозим ва мажбурий бўлиб, бу вазифа Амир Темур салтанатининг бош маликаси Бибихоним зиммасига юклатилган эди. Мана шунинг ўзиёқ Бибихонимнинг нақдар улкан ақл-заковат эгаси бўлганлигидан дарак беради. Бибихоним шаҳзодалар таълим-тарбияси билан шуғулланар экан, уларга бор меҳрини беради. Уларнинг илм олишга бўлган қизиқшини кучайтиришга ҳаракат қиласи. Шаҳзодалар орасида, айниқса, ўзининг илму одоби билан бошқалардан ажralиб турган Мирзо Улуғбекка меҳри айрича эди. Уни «Улуғим» деб

эркалайди. Романда Темур иктидор эгаси бўлганлиги ҳақидаги тарихий маълумотлар ҳам ўрин олганлиги унинг қадр-қимматини янада оширади. Масалан, шаҳзодалар Мироншоҳ Мирзо, Халил Султон Мирзо, Искандар Мирзонинг кўплаб фазаллари кўшиқ бўлганлиги ҳақида кўпчилигимиз билмаймиз.

Асар сўнгиди Бибихонимнинг фожиали қисмати ўқувчини қаттиқ изтиробга солади. Ўлим тушагида ётган малика шаҳзода Улуғбек Мирзо ҳақида ўйлади. Унинг тўрт улус ҳақида бирор ёднома битдира олмагани армонга айланганини, Улуғбек бу ишни зиммасига олганини айтади...

Тарих гувоҳки, севимли набираси Улуғбек кейинчалик «Тўрт улус тарихи» асарини ёзип, Бибихонимнинг бу улкан орзусини амалга оширади.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Postda» мухбири.**



ЗИРАКЛАР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Норин туманида яшовчи, 1994 йилда туғилган аёл Намangan шаҳар ИИОФМБ Навбатчилик қисмига ариза билан мурожаат қилиб, «Шарқ тонги» МФЙ худудида кетаётган пайтида хотаниш бир кимса унинг қимматбаҳо зиракларини қулоғидан юлиб олиб, қочиб кетганини билдири.

Олиб борилган тезкор-қидирав харакатлари натижасида ушбу жиноятни Намangan шаҳар Янги Намangan туманида яшовчи, 1994 йилда туғилган фуқаро содир этгани аниқланди. Ундан жабрланувчига тегишли зираклар ашёвий далил сифатида олинди.

ГИЁҲФУРУШ ҚЎЛГА ТУШДИ

Вилоят ИИБ ҳамда Тўрақўрғон тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган «Назорат-харид» тадбири давомида 1975 йилда туғилган фуқаро тадбир иштирокчисига 200 минг сўм эвазига ўткир ҳидли, қорамтири рангли бир бўлак сақчисимон моддани сатаётган вақтида ушланди.

Вилоят ИИБ Эксперт-криминалистика марказининг хулосасида ушбу модда соғ оғирлиги 1,39 грамм бўлган гашиш гиёҳвандлик моддаси экани кўрсатилди.

ҚЎШНИ ҚИЗ ЎФРИ ЭКАН

Намangan шаҳрида яшовчи, 1990 йилда туғилган аёл навбатчилик қисмига мурожаат этиб, кимдир яшаш уйи ётоқонасидан нархи 5 миллион сўмлик бир жуфт тилла зирак ва бир дона узугини ўғирлаб кетганини маълум қилди.

Намangan шаҳар ИИОФМБ тезкор вакиллари томонидан олиб борилган тадбирлар натижасида ушбу жиноятни жабрланувчининг 2003 йилда туғилган қўшниси содир этгани ойдинлашиди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ИИБ раҳбарияти ҳамда Фахрийлар кенгashi Жиззах вилояти ИИБ бошлиғи маслаҳатчisi, истеъфодаги полковник

Назим МАҲАММАТОВнинг вафот этганилиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.



ФЕМИДА – СИМВОЛ ПРАВОСУДИЯ

Фемида – древнегреческая богиня права и законного порядка. В пантеоне божеств Фемида – титанида, дочь Урана и Геи; была первой женой Зевса, от этого брака родились «горы» и «мойры». Одной из дочерей Фемиды была гора Дике – богиня справедливости. Зевс вершил правосудие только в присутствии Дике и Фемиды. Фемида никогда не восстаёт против Зевса, объявляет его решения, дает благие советы. Стоит она всегда по правую руку олимпийского владыки.

Фемида – статная, достойная женщина. В левой руке она держит весы, в правой – обьюдоострый меч. Глаза ее закрыты повязкой.

Весы – древний символ меры и справедливости. На весах правосудия взвешиваются добро и зло, вина и невиновность. Строгость и справедливость правосудия предполагают и точное взвешивание деяний. В древних мифологиях владыки загробного мира взвешивали добрые и злые поступки людей, посмертная их судьба зависела от того, какая чаша перевесит. Весы находятся в левой руке богини – левая сторона тела считается воспринимающей.

Меч – символ духовной силы, воздаяния. В руках Фемиды он символ возмездия. Меч указывает на «волю небес», высшую справедливость, а также на постоянную готовность его применения. Меч богини – обьюдоострый, поскольку закон не только карает, но и предупреждает. Держащая его рука – правая: это сторона действия, символ силы, «правого дела».

Повязка на глазах богини символизирует беспристрастность. Судья должен закрывать глаза на имущественные, классовые различия и рассматривать лишь справедливые факты, выслушивая обе стороны. При рассмотрении дела судья должен быть слеп, в том смысле, что и истец, и ответчик для него лишь отражения граней закона.

Что касается атрибутики Фемиды, то тут есть некое смешение образов древнегреческих и римских. Дело в том, что Римская мифология, позаимствовав образ и атрибутику богини, назвала ее именем Юстиция, на нее уже была надета и мантия, и повязка на глаза. В образе римской Юстиции слились воедино понятия права и справедливости. Две персоны древнегреческого мифа (Дике и Фемида) были заменены одной – Юстицией.

Латинским словом «юстиция» называют как саму судебную власть, так и систему органов, занимающихся этой деятельностью.



ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ (с 29 мая по 4 июня)



Овен. На этой неделе непременно следует вернуться к тому, что некоторое время назад было отложено, и завершить. В противном случае может возникнуть конфликт с начальством, коллегами, партнером по браку либо с кем-то из родственников или друзей. Также звезды не рекомендуют сейчас давать и брать деньги в долг.



Телец. Вполне обычная, заурядная неделя предстоит Тельцам. Некоторые из них, правда, получат неожиданную весточку от дальнего родственника или старого друга, но ничего сверхординарного она содержать не будет. Этот период плохо подходит для романтических встреч, а также для любого рода поездок.



Близнецы. Эта неделя принесет целую череду беспокойств и волнений. Наибольшие переживания и хлопоты будут связаны с делами семейными. Придется устранять образовавшийся на работе крупный аврал. Ликвидируя его, проявите терпение, полагайтесь на собственные знания и опыт.



Рак. Наступает пора действовать. Любые ваши эксперименты и проекты приведут к отличному результату. На работе можете смело предлагать самые «сумасшедшие» идеи, вступить в борьбу за более высокую зарплату или должность. Кардинальные изменения во внешности существенно повысят вашу привлекательность.



Лев. На ближайшие дни лучше бы отказаться от запланированных ранее ответственных мероприятий – деловых переговоров, собеседования с потенциальным работодателем, сдачи проектов и пр. Для профессиональных достижений сейчас не лучшее время. Зато это хороший период для отдыха с семьей. Уезжать слишком далеко от дома не стоит.



Дева. На этой неделе будут буквально преследовать грубые и недалекие люди. И на работе, и во время шопинга, и в общественном транспорте, и в других местах они станут прямо-таки лезть вам на глаза и провоцировать на конфликт. Зная это, старайтесь держаться от них подальше и не связываться. Зато дома – полная гармония и взаимопонимание.



Весы. Эта неделя начнется очень активно. Уже в самые первые дни переделаете массу дел и на работе, и дома, будете иметь все основания гордиться собой. Ностальгию по прошлому навеет внезапно объявившийся человек, который некогда был вам дорог. Постарайтесь отвлечься от грустных воспоминаний.



Скорпион. Почувствуете всплеск энергии. Однако неуемная деятельность вам сейчас противопоказана. Если не будете дозировать активность, можете довести себя до сильной усталости и даже депрессии. Так же сейчас не рекомендуется вкладывать деньги, в том числе и в крупные покупки.



Стрелец. Не стоит искать союзников среди коллег. Не то чтобы все они вдруг ополчатся против вас, просто в коллективе может сложиться такая ситуация, в которой каждый будет исключительно сам за себя. В целом же неделя может подарить немало приятных минут. Весь позитив сосредоточится дома, в общении с близкими.



Козерог. И на работе, и в семье будете безусловными лидерами. Любые дела под вашим руководством пойдут успешно, приведут к отличному результату. Только не давите слишком сильно на окружающих авторитетом, не становитесь тираном, так как это может спровоцировать «бунт на корабле».



Водолей. Не стоит рассчитывать на чью бы то ни было помощь. Члены семьи, друзья, коллеги будут заняты собственными проблемами, не смогут или не захотят взять на себя даже малую часть вашей ноши. Это значит, что какие-то дела вам придется перенести на потом. С большим вниманием отнеситесь к предложениям о подработке – великий риск, что вас обманут.



Рыбы. Семейные Рыбы на этой неделе получат возможность значительно укрепить свой брак, а те, кто пока одинок, – завязать наконец романтические отношения, которые имеют все шансы перерасти в серьезные и долгосрочные. В финансовых делах особого прогресса пока не предвидится. На работе вы больше обычного будете ощущать влияние тайных и явных недоброжелателей.

SOHA TARIXIDAN SO'ZLOVCHI KITOBLAR

Sirdaryo viloyati tuman-shahar ichki ishlar organlari tarixiga doir kitoblar nashrdan chiqdi. Mazkur kitoblarda ichki ishlar sohasining tarixi, tinchlik va osoyishtalikni ta'minlash, jinoyatchilikka qarshi kurashishga munosib hissa qo'shgan fidoyi xodimlarning ibratli hayoti va faoliyati yoritib berilganki, ularni mutolaa qilgan soha xodimlari va yosh avlod qalbida ona Vatanga sadoqat, o'z kasbidan faxrlanish tuyg'ulari jo'sh uradi.

Har bir tuman-shahar IIBning tarixi, bugungi kundagi faoliyatiga oid kitoblarni tayyorlash jarayoni qizg'in kechdi. Arxivdagi ma'lumotlar ko'tarildi. O'nlab faxriylar, soha fidoyilar jalb qilindi.

— Sohaga o'z umrini bag'ishlagan insonlarga ehtirom sifatida yaratilgan ushbu kitoblarni tayyorlashda ko'plab muammolarga duch keldik, — deydi viloyat IIB boshlig'ining o'rribbosari, podpolkovnik Qahramon Shermatov. — Ma'lumotlar yetishmas, suratlarni topishning o'zi katta sa'y-harakatni talab qilardi. Lekin xodimlarimiz bo'sh kelmadı. Natijasini esa bugun ko'rib turibmiz.

Ichki ishlar organlari faoliyatiga oid kitoblarni tayyorlashda Gulis-



ton va Shirin shaharlari, Guliston tumanida o'zgacha yondashildi. Ular ma'lumotlarni yig'ish, joy-joyiga qo'yish, tizimga xizmati singgan har bir faxriyni e'tibordan chetda qoldirmaslikka harakat qilishdi.

Ayni kunlarda joylarda kitoblar ning taqdimoti o'tkazilyapti. Eng muhimi, kelgusi avlod jinoyatchilik va huquqbuzarlikka qarshi kurashish yo'lida xizmat qilgan shaxslarning mehnati to'g'risida to'liq ma'lumot olish imkoniyati yaratildi. Bu esa yaratilgan kitoblar fidoyilikka qo'yilgan ma'naviy yodgorlik bo'ldi, deyishga asos bo'la oladi.


O'z muxbirimiz.

Navoiy viloyatining barcha tumanlari, shuningdek, Navoiy va Zarafshon shahrlari ichki ishlar organlari tarixini aks ettirgan kitoblar yaratildi. Ushbu kitoblar yosh xodimlarni Vatanga muhabbat, burchga sadoqat ruhida tarbiyalash bilan bir qatorda, ular uchun o'ziga xos dasturilamal bo'lishi ham shubhasiz. Boisi, ularda hududlarning o'ziga xos xususiyatidan tortib, tizimda sadoqat bilan xizmat qilgan kasb fidoyilar haqida so'z boradi.

Xususan, xizmat vaqtida halok bo'lgan xodimlar, faxriy ustozlar, shuningdek, mustaqillik yillarda erishilgan yutuqlar, amalga oshirilgan buniyodkorlik ishlari, xayr-saxovat tadbirlari, jasorat ko'rsatgan osoyishtalik posbonlari hamda biz bilan har doim hamqadam, hamkor tashkilotlarning birgalikdagi faoliyatlari yoritilgan.

Ayni paytda viloyat ichki ishlar organlari xodimlari Yangi O'zbekistonda xalq tinchligi va yurt osoyishtaligini saqlash yo'lida o'zlarining bilim va mahoratini ishga solib, fidoyilik bilan xizmat qilmoqdalar. Kelajakda ularning ibratli faoliyatidan so'zlovchi kitoblar ham yaratilsa, ne ajab...

O'z muxbirimiz.



MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rribbosarları –
mayor Azizjon FAYZIYEV
kapitan Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Jahongir SHAROFBOYEV
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –
Sarvar SOBIROV
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –
Zokir BOLTAYEV
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

Fotomuxbirlar –
Abu KENJAYEV
Ikrom HASANOV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Faks: 71-231-40-05.

**Obuna masalalari
bo'yicha:**

71-231-38-74;

97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



Tahririyat hisob raqami
h/r 23402000300100001010.

Bank kodи 00014.
O'zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya
vazirligi g'aznachiligi.

Shaxsiy h/v
470010860262877031101179001
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'il-yozma va suratlar egasiga
qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter
markazida terildi va sahfalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa
ijodi yui bosmaxonasida
chop etildi.

Korxona manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti Administratsiyasi
huzuridagi Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar agentligi
tomonidan 2020-yil 13-yanvarda
0120-raqam bilan ro'yxatga
olingan.

Buyurtma №V-5494.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma
taboq. 50797 nuxsada chop etildi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqt – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri,
Shota Rustaveli 1-berk
ko'chasi 9-uy.